

# СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 23 (1347) • 2020 йил 9 июнь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОҒДА

Моддий ёрдамнинг солиқ оқибатларига доир

2-бет

Ўрта ва йирик корхоналар: кимга қандай имтиёз бор?

3-4-бетлар

ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ

Бу солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда муҳимдир

5-12-бетлар

Қурилиши тугалланмаган объект-ни сотишнинг солиқ оқибатлари

13-бет

Карантин даври: ўтган йилги зарар ҳисобга олинadими?

14-бет

Қарзини тўлолмаганлиги сабабли қарзимни тўлолмаяпман

15-бет

Божжона: имтиёзлар суиистеъмол қилинганда


16-бет

## БОЖЖОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ СОДДАЛАШАДИ, ЖАДАЛЛАШАДИ, КОНТРАБАНДАГА ҚАРШИ КУРАШ – КУЧАЯДИ

Президент томонидан 2020–2023 йилларда божжона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божжона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди (5.06.2020 йилдаги ПФ-6005-сон).

Концепциянинг асосий устуворликлари:

- божжона соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- мавжуд куч ва воситаларни оптимал қўллаган ҳолда божжона органлари фаолияти ва инфратузилма объектларининг институционал асосларини ривожлантириш;
- рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-комму-



никация технологияларини божжона соҳасига жорий этиш орқали божжона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш;

- божжона органларининг фискал функцияларини амалга оширишни такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни тариф ва нотариф жиҳатдан тартибга солишни соддалаштириш;

- контрабанда ва божжона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши курашиш;
- божжона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакаси ва маҳоратини янада ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;
- халқаро ташқи-16-бетда

### ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## КАМЕРАЛ ТЕКШИРУВЛАРНИНГ ЯНГИ ҚОЙДАЛАРИ

Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 29.05.2020 йилда 3236-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида низом тасдиқланди. Янги Низомнинг мазмун-моҳияти ҳақида «Nogma» компаниясининг шарҳловчиси Лола АБДУАЗИМОВА сўзлаб берди.



Низом талаблари ҚҚС суммаларини қоплаш билан боғлиқ камерал солиқ текширувларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Текширув солиқ органи жойлашган жойда амалга оширилади, солиқ тўловчининг худуд ва биноларини кўздан кечириш (СК 145-моддасига мувофиқ) билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

### Қандай ҳолларда камерал назорат ўтказилади

Камерал солиқ текшируви солиқ органи томонидан солиқ тўловчи (солиқ агенти) тақдим этган ҳисоботлар, солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори ёки ўртача бўлганда;
- солиқ органига жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мурожаатлари келиб тушганда;
- солиқ ҳисоботида хато ва (ёки) тафовутлар аниқланганда.

Камерал солиқ текшируви солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати ўтмаган даврларга нисбатан ўтказилиши мумкин.

### Солиқчилар кимдан қандай ахборотни сўраб олишга ҳақли

Камерал текширув жараёнида солиқ органи сўровнома (талабнома) орқали солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан) ҳисоб ҳужжатларини, солиқ ҳисоботи ва ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни, солиқларни ва (ёки) йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотларни талаб қилиб олиши мумкин. Сўровнома солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади ва жўнатилган санадан эътиборан 3 кундан кейин олинган деб ҳисобланади. Шахсий кабинет мавжуд бўлмаса, сўровнома почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилганидан сўнг 5 кундан кейин олинган деб ҳисобланади.



Солиқ органи томонидан талаб қилинган ҳужжатлар ва тушунтиришлар сўровнома (талабнома) олинган кундан эътиборан 5 кун ичида тақдим этилиши керак. Солиқ тўловчи узрли сабабларга кўра мазкур муддатда ҳужжатларни тақдим этишга улгурмаса, сўровномани олган пайтдан бошлаб 1 кун ичида уни узайтириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши керак. Ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда СКнинг III-моддасига мувофиқ солиқ органи солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли.


Солиқ назоратини амалга ошириш учун аҳамиятга эга бирор-бир ҳолат маълум бўлган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахс кўрсатмалар бериш учун гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин. Зарурат туғилганда солиқ текширувини амалга оширишга доир тадбирларда иштирок этиш учун шартнома асосида эксперт, мутахассис ва таржимон жалб этилиши мумкин.

### Хатолар аниқланганда нима қилиш лозим

Камерал солиқ текшируви якунларига кўра тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланган ҳолларда, солиқ органи солиқ тўловчига ҳисоботга тузатиш киритиш ҳақида талабнома юборида. Солиқ ҳисоботига тузатиш киритиш ҳақида талабнома юборилган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади.

2-бетда





КАМЕРАЛ

ТЕКШИРУВЛАРНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

Муддатлар	Амалга оширилаётган ҳаракатлар
Текширув тутаган кундан кейинги иш кундан кечиктирмай	Камерал солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органида рўйхатдан ўтказилиши керак
Текширув тутаганидан кейин 3 кун ичида	Солиқ органи раҳбари камерал назорат натижаларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди.
Текширув хулосаси тасдиқланганидан сўнг 2 кунлик муддатда	Тафовутлар аниқланган тақдирда солиқ тўловчига тузатишлар киритиш тўғрисида талабнома юборилади.
Тузатишлар киритиш тўғрисида талабнома олинган кундан бошлаб 10 кун ичида	Солиқ тўловчи текширувда аниқланган солиқ ҳисоботидаги тафовут ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги хатолар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки тафовутларни асослантурувчи ҳужжатларни этиши лозим.
Аниқлаштирилган ҳисобот ёки асосномалар тақдим этилгандан сўнг 15 кун ичида	Солиқ органи тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, шундан сўнг солиқ тўловчига: • илгари юборилган талабнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги билдириш хати; • аниқлаштирилган талабнома юбориши мумкин
Аниқлаштирилган талабнома олинган кундан бошлаб 5 кун ичида	Солиқ тўловчи уни бажаради

Тақдим этилган тафовут асосномалари га тўлиқ ёки қисман розилик берилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчига илгари юборилган талабнома бекор қилинганлиги тўғрисида билдириш хати ёхуд солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари тўғрисида аниқлаштирилган талабнома юборади.

Солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса (ш.ж. аниқлаштирилган талабномадан кейин) ёки аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса ёхуд тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилса, солиқ органи солиқ тўловчига солиқ аудитини тайинлашга ҳақли.



**Солиқ (ҳисобот) даври учун солиқ мониторинги ўтказилаётган бўлса, бундай давр учун камерал солиқ текшируви ўтказилмайди.**

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 29.05.2020 йилдан кучга кирган.**

✓ МАВЗУГА ҚАЙТИБ

МОДДИЙ ЁРДАМ ВА ЖШДС

Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан жорий этилган тартибга мувофиқ 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди).

**1-ВАЗИЯТ.**

**Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-май ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

✓ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган куйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатга майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

Январь ойида қўлланилган имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:  
(634 880 x 4,22) = 2 679 193,6 сўм.  
Коронавирус пандемияси туфайли 2020 йилда ушбу сума МҲЭКМнинг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача ошириладиган алоҳида тартиб белгиланган (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди).

Шу босис май ойида оширилган имтиёз миқдоридан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиламиз:  
679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм.

Сизнинг ҳолатда жами моддий ёрдам суммаси – 2 800 000 сўмга ЖШДС солинмайди. Тегишинча, солиқ солинадиган даромад 7 400 000 сўмга (1 400 000 + 1 500 000 x 4) тенг бўлади.

Январь-май ойлари учун солиқ 888 000 сўмни (7 400 000 x 12%) ташкил этади. Январь-апрель ойларида 722 496,77 сўм ЖШДС ушлаб қолинган. Май ойида солиқ суммаси 165 503,23 сўмни (888 000 – 722 496,77) ташкил этади.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 7 400 сўмни (7 400 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-апрель ойларида ШЖБПҲга ажратмалар 6 020,81 сўмни, май ойида 1 379,19 сўм-

ни (7 400 – 6 020,81) ташкил этади. Май ойи учун бюджетга 164 124,04 сўм (165 503,23 – 1 379,19) ЖШДС ўтказилади. Ходим 1 334 496,77 сўм (1 500 000 – 165 503,23) иш ҳақи олади.

**2-ВАЗИЯТ.**

**Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммаси чегириши, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби**

Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-май ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.

Куйидагиларга мувофиқ:

✓ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма ((634 880 x 1,41) + (679 330 x 1,41 x 4)) = 4 726 602 сўм) чиқариб ташланади;

✓ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди. 2020 йилда сумма МҲЭКМнинг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача (679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм) оширилди (ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди). Шу босис сизнинг ҳолатда жами моддий ёрдам суммаси – 3 000 000 сўмга имтиёз татбиқ этилади;

Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:  
7 900 000 – 4 726 602 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 3 833 801,2 сўм.

Январь-май ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

3 833 801,20 x 12% = 460 056,14 сўм.

Январь-апрель ойларида 421 495,55 сўм солиқ ушлаб қолинган. Май ойида ЖШДС суммаси 38 560,59 сўмни (460 056,14 – 421 495,55) ташкил этади.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 3 833,8 сўмни (3 833 801,2 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-апрель ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 3 512,46 сўмни, май ойида 321,34 сўмни (3 833,8 – 3 512,46) ташкил этади.

Бюджетга 38 239,25 сўм (38 560,59 – 321,34) солиқ ўтказилади.

Ходим кўлига 1 561 439,41 сўм (1 600 000 – 38 560,59) олади.

**Муҳиддин ЗАЙНУДИНОВ,**  
экспертимиз.

УШБУ СОНДА:		
<p>• <b>БОЖХОНА</b> – Божхона расмийлаштируви соддалашади, жадаллашади, контрабандага қарши кураш – кучаяди – Ишлаб чиқариш сурьатлари сусаймаган – Қўшимча божхона тўловлари ундирилди <b>1, 16-бетлар</b></p>	<p>• <b>ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР</b> – Камерал текширувларнинг янги қодалари <b>1-2-бетлар</b></p> <p>• <b>МАВЗУГА ҚАЙТИБ</b> – Моддий ёрдам ва ЖШДС • <b>СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА ЁРДАМ</b> – Ўрта ва йирик корхоналар учун солиқ имтиёзлари – Мол-мулк солиқлари тадбиркорлар ихтиёрида қолади <b>2-бет</b> <b>3-4-бетлар</b></p>	<p>• <b>БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР</b> – Чегирилмайдиган харажатлар қандай аниқланади <b>5-12-бетлар</b></p> <p>• <b>СОЛИҚ СОЛИШИ</b> – Хўжалик шартномаси: тўлов учун асос – Тугалланмаган қурилиш объектини сотишда фойда солиғи – Норезидент ва резидент юридик шахслар бўлса <b>13-бет</b></p>
		<p>• <b>ЖАВОБ БЕРАМИЗ</b> – Карантин даврида олдинги йилларда кўрилган зарарни ҳисобга олиш мумкинми? – Норезидентга роялти тўлашнинг солиқ оқибатлари <b>14-бет</b></p> <p>• <b>ТАДБИРКОР ЭЪТИБОРИГА</b> – Дебиторлик қарзи сабабли мажбуриятлар бажарилмаганда <b>15-бет</b></p>

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davly nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



# ЎРТА ВА ЙИРИК КОРХОНАЛАР УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Давлатимиз томонидан юзага келган вазиятдан келиб чиқиб тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида чора-тадбирлар қабул қилиниб, турли солиқ енгилликлари тақлиф қилинмоқда. Президентнинг 2020 йил 18 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5996-сон Фармони солиқлар бўйича қўшимча имтиёзларни жорий этди.

Пандемия даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари Президентнинг қуйидаги фармонларида акс этган:

- 1) 19.03.2020 йилдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон;
- 2) 3.04.2020 йилдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон;

3) 27.04.2020 йилдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5986-сон;

4) 18.05.2020 йилдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5996-сон;

Ушбу ҳужжатлардан қайси бири сиздаги аниқ вазият учун тўғри келади? Қуйида тақлиф қилинган жадвал кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган ўрта ва йирик корхоналар учун солиқ имтиёзларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Солиқлар ва йиғимлар	Ўрта ва йирик корхоналар	
	1 млрд сўмгача айланма билан	1 млрд сўмдан ортқ айланма билан
<b>Солиқлар бўйича имтиёзлар</b>		
<b>Мол-мулк солиғи</b>	<p>1. Мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>● 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда – бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахслар (ПФ-5996-сон, 1-б);</li> <li>● 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар – туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).</li> </ul> <p>2. 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан мол-мулк солиғи оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш тўхтатилади (ПФ-5978-сон 4-б. «в» кичик б.).</p> <p><i>Юридик шахслардан олинмаган мол-мулк солиғи ставкалари СКнинг 415-моддасида белгиланган.</i></p>	
<b>Ер солиғи</b>	<p>1. Ер солиғини тўлашдан озод қилинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>● 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда – бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахслар (ПФ-5996-сон, 1-б);</li> <li>● 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар – туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).</li> </ul> <p>2. Тўхтатилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>● 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан ер солиғи оширилган ставкаларини қўллаш, шу жумладан – 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан, шунингдек, оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш (ПФ-5978-сон 4-б. «в» кичик б.);</li> <li>● карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш (ПФ-5978-сон 15-б. 9-хатбоши).</li> </ul> <p><i>Юридик шахслардан олинмаган ер солиғи ставкалари СКнинг 429-моддасида белгиланган.</i></p>	
<b>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ</b>	<p>Қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича солиқ ставкаси 2020 йилда 50%га пасайтирилади (ПФ-5969-сон, 5-б «в» кичик банди).</p> <p><i>2020 йил учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қўқуннинг 11-шловасида белгиланган.</i></p>	
<b>Ижтимоий солиқ</b>	<p>2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12%дан 1%гача камайтирилади (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).</p>	
<b>Айланмадан олинмаган солиқ</b>	<p>1. 2020 йил якунига қадар қарз берувчига фойз шаклида даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (молиявий кўмак) тақдим этилганда қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланадиган даромад солиққа тортилмайди (ПФ-5978-сон 15-б. 8-хатбоши).</p> <p>2. 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлиги» фондларига (ва уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, ҳокимликлар томонидан шакллантирилмаган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз берилмаган товарлар (хизматлар) солиқ солиш объектига киритилмайди (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).</p>	

4-бетда

✓ ДАВР НАФАСИ

## МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛАДИ

Бухорода давлат солиқ органлари ходимлари томонидан иқтисодий қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларига ҳукуматимиз томонидан берилган енгилликлар ва солиқ имтиёзларини қўллаш билан яқиндан ёрдам берилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосан вилоятдаги жами 150 дан ортқ корхоналарга жа-

ми 3 млрд сўмлик, яъни 957 млн сўмлик мол-мулк солиғи, 2 млрд 22 млн сўмлик ер солиғи ҳамда 36 млн сўмлик сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлаш бўйича фойзаларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бўйича имтиёз қўлланилди.

– Бизнинг корхонамиз ҳам пандемия таъсирига тушганлиги сабабли жами 22,7 млн сўмлик мол-мулк, ер ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятимиз фойзаларини ундирмасдан 6 ойга кечиктирилди, – дейди «Бухоро Парранда» АЖ корхонаси ҳисобчиси Ортик Муқимов. – Ҳозирги қийинчилик даврида биз ана шундай кўмакка муҳтож эдик. Албатта биз ушбу имтиёзлардан унумли фойдаланиб ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширишга ҳаракат қиляпмиз.


Жорий йилнинг 18 май кунини Президентимиз томонидан имзоланган «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мувофиқ корхоналар 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод этилди.

Мазкур имтиёзни қўллаш натижасида вилоятдаги 1 949 та тадбиркорлик субъекти ихтиёрида 3,3 млрд сўмлик маблағ қолмоқда.

Асосий мақсад эса ишлаб чиқариш тармоқларини пандемия таъсиридан асрашдир.

Бухоро вилояти ДСБ  
Матбуот хизмати.  
Ў.А.





## ЎРТА ВА ЙИРИК КОРХОНАЛАР УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Солиқлар ва йиғимлар	Ўрта ва йирик корхоналар	
	1 млрд сўмгача айланма билан	1 млрд сўмдан ортиқ айланма билан
<b>Фойда солиғи</b>		<p>1. Тўловчилар фойда солиғини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича талабларни бекор қилган ҳолда, 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб, қўйилган ҳажмлардан келиб чиқиб солиқ бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга (ПФ-5978-сон, 15-б. 10-хатбоши).</p> <p>2. 2020 йил якунига қадар қарз берувчига фойза шаклида даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз (молиявий кўмак) тақдим этилганда солиқ солиш мақсадида қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланадиган даромад жами даромад таркибига киритилмайди ва тегишинча, солиққа тортилмайди (ПФ-5978-сон, 15-б. 8-хатбоши).</p> <p>3. Тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фойзалар суммаси кечиктириш тақдим этилган даврда солиқни ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди (ПФ-5978-сон, 11-б.).</p> <p>4. 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар солиқни ҳисоблаб чиқаришда:  <ul style="list-style-type: none"> <li>«Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлиқ» фондларига (ва уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, ҳокимликлар томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз бериладиган пул маблағлари, товарлар (хизматлар) чегириладиган харажатлар сифатида қаралади;</li> <li>лизинг корхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фойза даромадлари суммаси фойда солиғини ҳисоблашда (кечиктириш берилган даврдаги) жами даромад таркибига киритилмайди (ПФ-5986-сон, 1-б. «а», «г» кичик б.).</li> </ul> </p>
<b>ҚҚС</b>		<p>1. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшлаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўланади (ПФ-5978-сон 15-б. 11-хатбоши).</p> <p>2. 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлиқ» фондларига (ва уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, ҳокимликлар томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз бериладиган товарлар (хизматлар) ҚҚСдан озод этилади (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).</p>
<b>Акцизлар</b>	<p>2020 йилнинг охирига қадар амалдаги ставкалар сақланиб қолинади:  <ul style="list-style-type: none"> <li>спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиғининг;</li> <li>бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг (ПФ-5978-сон 7-б.).</li> </ul>                     Акциз солиғи ставкалари 9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 8-иловада белгиланган.                 </p>	
<b>Божхона тўловлари</b>	<p>1. 2020 йил 31 декабрга қадар 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонга 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланади (ПФ-5978-сон 1-б.).</p> <p>2. Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатта божхона тўловларидан (божхона божи, акциз солиғи ва ҚҚС) озод этилади (ПФ-5978-сон 16-б.).</p> <p>3. Коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди (ПФ-5978-сон 16-б.).</p>	
<b>Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи</b>	<p>1. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинadиган даромадлар солиққа тортишдан озод қилинади (ПФ-5969-сон 6-б.).</p> <p>2. 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлиқ» фондларидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган беғараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди (ПФ-5986-сон, 1-б. «б» кичик б.).</p> <p>3. 2020 йилда ходимга тўланадиган, ЖШДСга тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси МХЭКМнинг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (ПФ-5986-сон, 2-б.).</p>	
<b>Умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғим</b>	25%га камайтирилади (ПФ-5969-сон, 5-б. «а» кичик б.).	
<b>Туристлик (меҳмонхона) йиғими</b>	2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон, 5-б. «а» кичик б.).	
<b>Солиқларни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи</b>		
<b>Мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув солиғи</b>	Хўжалик юритувчи субъектларга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарори асосида фойзаларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5969-сон 7-б.).	
<b>Божхона тўловлари</b>	Хўжалик юритувчи субъектларга товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда ҚҚСни тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечиктириш олиш ҳуқуқи берилди (ПФ-5996-сон 3-б.).	
<b>Солиқ маъмуриятчилиги соҳасида имтиёзлар</b>		
2020 йил 1 октябргача бўлган даврда ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарима санкциялари қўллаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон, 8-б.).		
2020 йил 1 октябргача бўлган даврда вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланиши тўхтатиб турилади. Шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари қўрилмайди (ПФ-5969-сон, 8-б.).		
Пеня миқдори СКнинг 110-моддасида белгиланган.		
2021 йил 1 январга қадар солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилади, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно (ПФ-5969-сон 10-б.).		
Солиқ аудитидан ўтказиш тартиби СКнинг 140-143-моддаларида белгиланган.		
Карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари карантин муддати тугагунга қадар узайтирилади (ПФ-5978-сон, 15-б. 6-хатбоши).		

**Изоҳ:** материални эълон қилиш санасида базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) – 223 000 сўм, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭКМ) – 679 330 сўм.

Жорилла АБДУЛЛАЕВ, «Norma» МЧЖ етакчи эксперти.



лари шаклида бўлмаган ҳиссалар) оддий ширкат шартномасига мувофиқ баҳоланади (ФКнинг 963-м.).

Оддий ширкат шартномаси бўйича киритган ҳиссангизни биргаликдаги фаолиятга киритилган инвестиция сифатида ҳисобга олинг.

Оддий ширкат шартномаси яқунланганидан кейин қолган мол-мулк шартнома шартларига мувофиқ иштирокчилар ўртасида тақсимланади. Тақсимлаш чоғида келиб тушган мол-мулкни (АВ, ТМЗ, пул маблағларини) балансга ҳисобга киритинг ва парал-

лел равишда қўйилмалар суммасини биргаликдаги фаолиятга ҳисобдан чиқаринг.

Бунда сиз даромад олишингиз ҳам, зарар кўришингиз ҳам мумкин.

Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда зарар чегириб ташланмайди (СК 317-м. 32-б.). Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 01341-0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда акс эттиринг.

## Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари ўртасида пул маблағларини бериш

Куйидагилар томонидан берилган пул маблағлари чегирилмайдиган харажатларга киритилади (СК 317-м. 33-б.):

- солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи (СТКГ) иштирокчиси томонидан ушбу гуруҳ масъул иштирокчисига солиқни тўлаш учун берилган пул маблағлари;

- СТКГ масъул иштирокчиси томонидан ушбу гуруҳ иштирокчига солиқ суммаси аниқлаштирилганлиги муносабати билан берилган пул маблағлари.

СТКГ – солиқ тўловчиларнинг жами молиявий натижасини ҳисобга олган ҳолда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш мақсадида тегишли шартнома асосидаги ихтиёрий бирлашмаси.

СТКГнинг масъул иштирокчиси ушбу гуруҳ учун фойда солиғини тўлаши шарт (СК 61, 67-м.).

Фойда солиғи жами молиявий натижасини ҳисобга олган ҳолда аниқланганлиги учун гуруҳ иштирокчилари ўртасида солиқни тўлаш учун пул маблағлари берилиши чегириладиган харажатлар ҳисобланмайди.

СТКГ фаолиятини тартибга соладиган солиққа оид қонун ҳужжатлари нормалари 2022 йил 1 январдан амалга киритилади (30.12.2020 йилдаги УРҚ-599-сон Қонуннинг 6-моддаси 6-қисми).

## ТМҚларни яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар

Товар-моддий қимматликлар турли сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келиши мумкин. Масалан, сақлаш муддати туганлиги, жисмонан ва (ёки) маънан эскирганлиги сабабли.

Ушбу зарар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайди.

Фавқулодда ҳолатлар (табиий офат, ёнгин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва ҳоказолар) оқибатида кўрилган зарарлар бундан

мустасно (СК 317-м. 34-б.).

Яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли ТМҚларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарни:

- бошқа операция харажатларга киритинг;
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0101, 0107 ёки 01341-0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда ТМҚ турига қараб акс эттиринг.

**МИСОЛ. ТМҚларни яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарларни ҳисоботда акс эттириш**  
Савдо корхонаси ёзги мавсумда музқаймоқлар туркумини чакана савдо тармоғи орқали қайта сотиш учун 29 000 минг сўмга сотиб олди. Бозорда бундай маҳсулотлар кўпайиб кетганлиги сабабли товарнинг бир қисми сақлаш муддати тугашигача сотилмай қолди ва яроқсиз ҳолга келди. Раҳбарият яроқсиз ҳолга келган товарни ҳисобдан чиқаришга қарор қилди. Ҳисобдан чиқарилган товар қиймати 4 000 минг сўмни ташкил этади.

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0107-сатрида куйидагиларни акс эттирамыз:

- 3-устунда – 29 000 минг сўм;
- 4-устунда – 4 000 минг сўм.

## Муддати ўтган ва кечиктирилган кредитлар бўйича фоизлар

Муддати ўтган ва кечиктирилган кредитлар бўйича муддатли қарз бериш кредит шартномасида назарда тутилган ставкалардан ортиқча фоизларни чегирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 35-б.).

**МИСОЛ. Қарзлар бўйича фоизларни аниқлаш**

Корхона 6 ойга йиллик 18% тўлов тўлаш шарти билан 100 000 минг сўм кредит олди. Ўз вақтида қайтарилмаган ҳолларда фоиз ставкаси 2%га оширилади.

Корхона кредит олгандан кейин 9 ой ўтган уни қайтарган. 6 ой мобайнида фоизлар йиллик 18%лик ставка бўйича ҳисобланган. Кейинги 3 ой мобайнида – йиллик 20%лик ставка бўйича ҳисобланган.

Ставкалар 2%га оширилганидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган фоизлар суммаларини чегирилмайдиган харажатларга киритиш лозим.

Чегирилмайдиган харажатларга киритиладиган фоизлар суммасини аниқлаймиз:

$100\ 000 \times 2\% / 12 \times 3 = 500$  минг сўм.

Қарздан фойдаланилган 9 ойлик муддат учун 18%лик ставка бўйича фоизлар суммасини чегириладиган харажатларга киритамиз.

$100\ 000 \times 18\% / 12 \times 9 = 13\ 500$  минг сўм.

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0114 ва 01141-сатрларида куйидагиларни акс эттирамыз:

- 3-устунда – 14 000 минг сўм (13 500 + 500);
- 4-устунда – 500 минг сўм.

buxgalter.uz





# ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ

Солиқ солиш мақсадларида юридик шахнинг солиқ солинадиган фойдасини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатларни тўғри аниқлаш муҳим ҳисобланади. Корхона томонидан ўз ташаббуси билан ёки нотўғри бошқариш сабабли қилинган харажатлар чегирилмайдиган харажатларга киритилади.

## Чегирилмайдиган харажатлар таркиби

Чегирилмайдиган харажатларни фойда солиғи бўйича солиқ базасига киритинг. Бунда улар ҳўжалик фаолияти натижаси сифатидаги ҳақиқатдаги фойдани камайтиради.

Ушбу харажатлар корхонанинг асосий фаолияти билан беvosита боғлиқ бўлмайди. Ишлаб чиқариш натижалари ҳам уларга боғлиқ эмас.

Чегирилмайдиган харажатларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўyxатдан ўтказилган) 2-«Харажатлар» иловасининг 4-устунида акс эттиринг.

Уларга кўйидагиларни киритинг (СК 317-м.):

моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча товарлар йўқолиши
умумий овқатланиш корхоналарига жойларни текин бериш харажатлари, улар учун коммунал хизматларнинг қийматини тўлаш жисмоний шахсларга моддий наф тарзидаги даромадларни тўлаш (СК 376-м.)
дала (сафар) таъминоти, ходимнинг шахсий автотранспортдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун белгиланган нормалардан ортиқча тўловлар
пенсияларга устамалар ва кўшимча тўловлар
кўйидаги кўринишлардаги моддий ёрдам:
• бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан кўрсатиладиган;
• қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш
хайрия ёрдами тарзида берилган маблағлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар мустасно нормалардан ортиқча тарзда атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари
лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этишга доир қолланмаган харажатлар
талон-торож қилишлар ва камомадлардан кўрилган қолланмаган зарарлар
бошқа шахслар учун тўланган солиқлар
солиқ текширувлари натижалари бўйича кўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар
тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга доир харажатлар
касаба уюшмалари кўмиталарига ёрдам кўрсатиш
маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган хизматлар кўрсатганлик учун қилинган харажатлар
солиқ солинмайдиган даромад олиш билан боғлиқ харажатлар
ҳақиқатда хизматлар кўрсатмасдан, товарларни жўнатмасдан туриб амалга оширилган операциялар бўйича харажатлар, агар бундай факт суднинг қарори билан аниқланган бўлса
даромад олишга қаратилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар
бюджет тизимига киритилиши лозим бўлган пенялар, жарималар ва бошқа санкциялар
амортизация қилинадиган активларнинг қийматига қўшиладиган харажатлар
амортизация қилинмайдиган мол-мулкнинг қийматига киритиладиган харажатлар
харажатларнинг Солиқ кодексига белгиланган нормалардан ортиқ бўлган суммаси
Солиқ кодексига назарда тутилмаган захираларга ажратмалар
ҳисобланган дивидендлар
бошқа шахсларнинг фойдасига тўланадиган ихтиёрий сугурта бадаллари
назорат қилинадиган қарздорликлар билан боғлиқ белгиланган нормалардан ортиқча ҳисобланган фоизлар ва неустойкалар бўйича харажатлар (СК 310-м.)
текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ бўлган харажатлар
ишончли бошқарув муассисининг ишончли бошқарув шартномасини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари
нотижорат ташкилотларига ва халқаро ташкилотларга тўланадиган тўловлар, уларни тўлаш корхона томонидан фаолиятни амалга оширишнинг мажбурий шартли ҳисобланмаганда
ташкил этилган захира маблағлари ҳисобига амалга оширилган харажатлар, агар уларни ташкил этишга доир харажатлар чегириналар жумласига киритилган бўлса
мол-мулк нархининг пасайиш суммалари



оддий ширкат шартномаси доирасида иштирокчилар томонидан шартнома иштирокчиларининг умумий мулкдаги улушни қайтариш ёки бундай мол-мулкни бўлиш чоғида қўрилган зарарлар
солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари ўртасида солиқни тўлаш учун берилган пул маблағлари
ТМҚларни яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқаришдан қўрилган зарарлар
муддати ўтган ва кечиктирилган кредитлар (қарзлар) бўйича кредит шартномасида назарда тутилган ставкалардан ортиқча фоизлар ҳўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар



Чегириладиган харажатлар рўйхати ёпиқ ҳисобланади. Бу қолган барча харажатлар чегирилишини аниглайди. Бунда улар ҳўжатлар билан тасдиқланиши ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши мумкин.

## Моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча товарлар йўқолиши

**Табиий камайиш** – бу товар-моддий қимматликларни сақлаш ёки ташвишда уларнинг қуриши, тўкилиши, ёниши (термик ишлов бериш натижасида ҳажмининг камайиши), сизиб чиқиши ва шунга ўхшаш бошқа омиллар таъсири оқибатида миқдорий кўрсаткичларининг (оғирлиги, ҳажми) табиий камайиши.

**Табиий камайиш нормалари** тармоқ идоралари томонидан тасдиқланиши мумкин. Масалан, қўлидаги нормативлар тасдиқланди:

- дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари учун (Нормалар, ВМнинг 25.05.2006 йилдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 2-илова);
- ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум учун (Нормативлар, АВ томонидан 15.09.2016 йилда 2824-сон билан рўйхатдан ўтказилган);
- автомобилларга ёқилги қўйиш шохоб-чаларидаги газ ва

нефть маҳсулотлари учун (Йўриқнома, АВ томонидан 3.01.2006 йилда 1533-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Моддий қимматликларнинг учун бундай нормалар белги-ланмаган бўлса, уларни мустақил равишда ишлаб чиқишга ва тасдиқлашга ҳақли бўласиз.

Камайиш нормасини мустақил аниқлаш учун:

- ётказиб берувчи ҳўжатларда кўрсатилгани билан амалда қабул қилинган қимматликлар оғирлигини (ёки ҳажмининг) солиштиринг;
  - сақлашга қабул қилишдаги кўрсаткичларини сақлашдан кейинги кўрсаткичлар билан солиштиринг.
- Олинган тафовутларни тизимлаштиринг ва табиий камайиш нормалари сифатида буйруқ билан тасдиқланг.
- Идоравий ёки мустақил ишлаб чиқилган табиий камайиш нормаларидан фойдаланадиган бўлсангиз, буни ҳисоб сивъсатида акс эттиришингиз шарт.



Табиий камайишларга қўйиладиган киритилмайдиган:

- технологик йўқотишлар ва брак туфайли йўқотишлар;
- стандартлар талаблари, техник ва технологик шартлар, техник фойдаланиш қоидалари бузилиши, идишларнинг шикастланиши, товарларни йўқотишлардан ҳимоялаш воситаларининг такомиллаштирилмаганлиги ва фойдаланиладиган технологик ускунанинг ҳолати туфайли йўқотишлар;
- сақлаш ва ташвиш учун қўлланиладиган технологик ускуналарни таъмирлаш ва профилактика қилиш, омбор ичидаги операциялар чоғидаги йўқотишлар, шунингдек авария ҳолатларидаги йўқотишлар.

Тасдиқланган табиий камайиш нормалари доирасидаги йўқо-тишлар чегириладиган харажатлар ҳисобланади.

Нормадан ортиқча йўқотишларни чегирилмайдиган харажат-

ларга киритинг ҳамда хом ашё ва материалларнинг турларига қараб Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0101-0104-сатрларида 4-устунда акс эттиринг (СК 317-м. 1-6.).



Сизда тасдиқланган нормативлар мавжуд бўлмаса, моддий қимматликларни сақлаш ва ташвиш чоғидаги табиий камайиш билан боғлиқ бўлган барча йўқотишлар ва бузилишларни чегирилмайдиган харажатларга киритинг.

### МИСОЛ. Чегирилмайдиган моддий харажатлар суммаларини ҳисоботда акс эттириш

Корхона мева ва сабзавотларни қайта ишлаш билан шуғулланади. Асосий хом ашё – ҳўл мева ва сабзавотлар. Белгиланган табиий камайиш нормаси – фойдаланиладиган хом ашё ҳажмининг 5%и. Ҳисобот даврида 8 900 кг норма бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш учун табиий камайишнинг ҳисобига олган ҳолда 18 000 минг сўмлик 9 000 кг мева ишлатилган. Яъни табиий камайиш нормасидан ортиқча йўқотиш 100 кг ни ташкил этган, бу 200 минг сўмга (18 000 / 9 000 × 100) тенг дегани.

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0101-сатрида қўйиладиган акс эттириш:

- 3-устунда – 18 000 минг сўм;
- 4-устунда – 200 минг сўм.

## Умумий овқатланиш корхоналарига жойларни текин бериш

Ходимларнинг овқатланишини ташкил этиш масаласини шу тарзда ҳал этадиган бўлсангиз, сизда бундай харажатлар бўлиши мумкин.

Улар қўйиладиганлиги ўз ичига олиши мумкин:

- ушбу жойларни таъминлаш ва таъмирлаш;
- ушбу жойлар амортизацияси;
- уларни тозалаш ва қўриқлаш учун масъул бўлган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш;
- ушбу ходимларнинг МХТФдан ижтимоий солиқ;

- коммунал хизматлар ва электр энергияси ҳақини тўлаш;
- бошқа харажатлар.

Уларни 9420-«Маъмурий харажатлар» счётининг дебети бўйича ҳисобга олинг (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.2.14-банди).

Булар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 2-6.). Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада турлари бўйича харажатлар тарихига киритган ҳолда акс эттиринг.



Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Захира ташкил этилди	15 000	Харажатларни ҳисобга олувчи сўётлар	6940-«Кафолатлар бўйича қарз»
Харажатлар захира ҳисобига акс этирилди	15 000	6940-«Кафолатлар бўйича қарз»	1040-«Эҳтиёт қисмлар»
Захирадан ортиқча харажатлар акс этирилди	2 000	Харажатларни ҳисобга олувчи сўётлар	1040-«Эҳтиёт қисмлар»

Маъкур ҳолатда ташкил этилган захира ҳисобидан амалга оширилган харажатлар 15 000 минг сўмни ташкил этади. Ушбу суммани Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада акс этирамайди.

**1-вариант:**

- 0117-сатрнинг 3-устунида – захира фондиди шакллантиришга оид харажатлар – 15 000 минг сўм;
- 0101-сатрнинг 3-устунида – захира фондидан ортиқ бўлган эҳтиёт қисмларга оид харажатлар – 2 000 минг сўм.

**2-вариант:**

- 0117-сатрнинг 3-устунида – захира фондиди шакллантиришга оид харажатлар – 15 000 минг сўм;
- 0101-сатрнинг 3-устунида – жами сарфланган эҳтиёт қисмлари суммаси – 17 000 минг сўм;
- 0101-сатрнинг 4-устунида – захира ҳисобидан эҳтиёт қисмларига харажатлар – 15 000 минг сўм.

### Мол-мулк нарҳининг пасайиши

Фойда солиғи солиш мақсадларида мол-мулк нарҳининг пасайиш суммалари солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайди (СК 317-м. 31-б.).

Қўйидагиларни қайта баҳолаш натижасида нарх пасайиши суммалари юзага келиши мумкин:

- асосий воситалар (АВ томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом);
- номоддий активлар (7-сон БҲМСнинг 5-параграфи);
- молиявий инвестициялар (12-сон БҲМС, АВ томонидан 16.01.1999 йилда 596-сон билан рўйхатдан ўтказилган);
- товар-моддий захиралар (4-сон БҲМСнинг 6-параграфи).

Мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисобида ҳисоб объектига, шунингдек қуйидаги ҳолатларга боғлиқ ҳолда акс этирилади:

- фойда ва зарар;
  - хусусий капитал.
- 2-иловада 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сўётида жамғарилган қайта баҳолаш сальдоси доирасида асосий воситалар нарҳининг пасайишини акс этирмган.

Нарҳнинг пасайиши қайта баҳолаш сальдосидан ошганда, ортиқча сумма 2-илованинг 01341–0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда акс этирилади.

**МИСОЛ. Мол-мулк нарҳининг пасайиши суммасини ҳисоботда акс этириш**

Корхона асосий воситалар қийматини қайта баҳолади. Натижада АВ қолдиқ қиймати 2 000 минг сўмга камайди. Нарҳнинг пасайиши чоғида 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сўётидаги ушбу АВ бўйича қайта баҳолаш сальдоси 1 500 минг сўмни ташкил этди. АВнинг қолдиқ қиймати баланс қийматининг 60%ига тенг.

Қайта баҳолаш натижасида АВ нарҳининг пасайиш суммаси аёвабли ҳисобот даврларида ўтказилган қўшимча баҳолашлар суммалари доирасида «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сўётига захира капиталнинг камайишига киритилади. АВ нарҳининг пасайиш суммаси уни қўшимча баҳолаш суммасидан ошиб кетганда, ортиқча сумма бошқа операцияларга киритилади (5-сон БҲМСнинг 27-банди).

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Мол-мулк баланс қийматининг пасайиши захира капитали ҳисобига акс этирилди	$1\ 500 / 60 \times 100 = 2\ 500$	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи сўётлар»
Жамғарилган эскиришнинг пасайиши акс этирилди	$1\ 500 / 40 \times 100 = 1\ 000$	0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи сўётлар»	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»
Харажатларга киритиладиган мол-мулк нарҳининг пасайиши акс этирилди	500	9430-«Бошқа операция харажатлар»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи сўётлар»

Жами пасайиш суммаси – 2 000 минг сўм – чегирилмайдиган харажат ҳисобланади.

Бунда 1 500 минг сўм Ҳисоб-китобга 2-иловада акс этирилмайди.

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 01341–0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда 500 минг сўмни акс этирамайди.

### Оддий ширкат шартномаси доирасида қўрилган зарарлар

Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият амалга оширилганда, Ўзбекистон солиқ резиденти ва юридик шахси бўлган иштирокчилардан бирининг зиммасига ушбу фаолият

доирасида бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритиш юклатилади (СК 275-м.; ФК 53-боби).

Иштирокчилар томонидан берилмайдиган мол-мулк (пул маблағ-



## Текин берилган мол-мулк (хизматлар)

Текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ бўлган харажатларни (ҚҚС суммасини ҳисобга олган ҳолда) солиқ базасидан чегириб ташламанг (СК 317-м. 27-б.).

Қуйдагилар истисно этилади:

- Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан берилган мол-мулк;
- телекоммуникация тармоқларидаги оператив-қидирув тадбирлар тизимининг техник воситалари ҳамда улардан фойда-

ланиш бўйича хизматларни кўрсатиш ва уларга кўрсатиладиган хизматлар.

Асосий воситаларни текин беришда унинг чиқиб кетишидан **молиявий натижани** қуйидаги формула бўйича аниқланг (АВ томондан 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 5-параграфи):

$$MН_{чек} = - \text{Қолдққ қиймат} - \text{ҚҚС} + \text{Қайта баҳолаш сальдоси} - \text{АВни ўтказиш харажатлари}$$

### **МИСОЛ. Мол-мулкни текин беришни ҳисоботда акс эттириш**

Корхона – ҚҚС тўловчи бошқа корхонага АВни текинга берди.

Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- қолдққ қиймати – 40 700 минг сўм;
- қайта баҳолаш сальдоси – 1 300 минг сўм;
- бериш чоғидаги бозор қиймати – 41 500 минг сўм.

Товарни текин беришга ҚҚС солинади, бундан шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно (СК 239-м. 1-қ. 2-б.). Мазкур ҳолатда мол-мулкни текин бериш ҳолати иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб фараз қилайлик. Товарларни текин беришда ҚҚС бўйича солиқ базаси бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 248-м. 3-қ. 2-б.).

ҚҚС суммасини аниқлаймиз:

$$41\,500 \times 15\% = 6\,225 \text{ минг сўм.}$$

АВнинг чиқиб кетиши натижасида корхона зарар кўради:

$$-40\,700 - 6\,225 + 1\,300 = -45\,625 \text{ минг сўм.}$$

45 625 минг сўм суммасини Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-шлованинг 0129-сатрида 3 ва 4-устунларда акс эттирамай.

## Ишончли бошқарув муассисининг харажатлари

Мол-мулкни ишончли бошқаришга бериш шартномаси бўйича ишончли бошқарув муассиси ишончли бошқарувчига мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга беради, бошқарувчи эса ушбу мол-мулкни бошқарув муассиси ёки у томонидан кўрсатилган шахснинг (фойда олувчининг) манфаатини кўзлаб бошқариш мажбуриятини ўз зиммасига олади (ФКНинг 849-м.).

Ишончли бошқарув учинчи шахснинг фойдасига амалга оши-

рилладиган бўлса, муассисининг ишончли бошқарув шартномасини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 28-б., 322-м.).

Уларнинг Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-шлованинг 01341–0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда акс эттиринг. Булар комплекс харажатлар бўлса, уларни 2-шлованинг тегишли сатрларида харажатлар турига қараб акс эттиришингиз мумкин.

## Нотижорат ва халқаро ташкилотларга тўланадиган тўловлар

Нотижорат ва халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, йигимлар ва бошқа тўловлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 29-б.).

Бундан қуйидаги ҳолатлар мустасно, агар уларни тўлаш:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;
- корхона фаолиятини амалга оширишнинг зарурий шарти бўлса.

Яъни корхона фаолият юритишига боғлиқ бўлмаган бундай турдаги ажратмалар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади.

Масалан, корхона ўз ташаббуси билан бирор-бир жамоат

ташкilotининг аъзоси бўлиши ва аъзолик бадалларини тўлаши, шунингдек турли тадбирлар ўтказилишида молиявий ёрдам кўрсатиши мумкин. Бундай тўловлар солиқ базасидан чегириб ташланмайди.

Ушбу харажатларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-шлованинг 0130-сатрида акс эттиринг:

- 3-устунда – нотижорат ва халқаро ташкилотларга тўланадиган барча тўловлар;
- 4-устунда – корхона фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тўловлар ва қонун ҳужжатларида мажбурий талаблар сифатида назарда тутилмаган тўловлар.

## Захира маблағлари ҳисобига амалга оширилган харажатлар

Захира ташкил этиш чоғида захира суммаси чегириладиган харажатларга киритилган бўлса, ташкил этилган захира ҳисобидан харажатларни амалга оширишда улар иккинчи марта чегирилмаслиги керак (СК 317-м. 30-б.).

### **МИСОЛ. Захира ташкил этишга харажатларни ҳисоботда акс эттириш**

Ҳисобот даврида корхона реализация қилинган маҳсулотига кафолатли хизмат кўрсатиш учун захирага 15 000 минг сўм ўйналтирди, бунда уни белгилаш нормалар бўйича аниқлади ва чегирилмайдиган харажат сифатида акс эттирди.

Кафолатли таъмирлаш учун эҳтиёт қисмларга ҳақиқатдаги харажатлар 17 000 минг сўмни ташкил этди. 15 000 минг сўмлик миқдордаги харажатлар ташкил этилган захира ҳисобига ҳисобдан чиқарилади, 2 000 минг сўм (17 000 – 15 000) миқдордаги тафовут чегирилмайдиган харажатларга киритилади.



**МИСОЛ. Умумий оёқатланиш корхоналарига жойларни текин беришни ҳисоботда акс эттириш**

Корхона ходимлари учун оёқатланишни ташкил этиш мақсадида умумий оёқатланиш корхонасига ошхонага мўлжалланган жойни бериб.

Қўйидаги корхона бўйича ҳисоб давридаги айрим кўрсаткичлар келтирилган:

Харажат тури	Корхона бўйича умумий сумма, минг сўм	Улардан, умумий оёқатланиш корхонасига жойни текин бериш билан боғлиқ сумма, минг сўм
Амортизация харажатлари	23 000	1 500
Меҳнат ва ижтимоий солиқ тўлашга оид харажатлар	73 000	2 000
Электр энергияси харажатлари	9 000	800

Ушбу харажатларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада қўйидагича акс эттирамиз:

0104-сатр бўйича:

- 3-устунда – 9 000 минг сўм;
- 4-устунда – 800 минг сўм;

0105-сатр бўйича:

- 3-устунда – 73 000 минг сўм;
- 4-устунда – 2 000 минг сўм;

0106-сатр бўйича:

- 3-устунда – 23 000 минг сўм;
- 4-устунда – 1 500 минг сўм.

**Моддий наф тарзидаги тўловлар**

Жисмоний шахсларга моддий наф тарзида даромадлар тўлаш чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 3-б.). Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0118-сатрида акс эттиринг.

Бундай тўловларга қўйидагилар киритилади (СК 376-м.):

жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (хизматлар), мулкый ҳуқуқлар ҳақини тўлаш
текин берилган мол-мулкнинг ҳамда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати
товарларни (хизматларни) жисмоний шахсларга реализация қилиш нархи ҳамда уларнинг қиймати ўртасидаги салбий фарқ
қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортда юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси
жисмоний шахснинг корхона олдидаги қарзининг ҳисобдан чиқарилган суммалари
корхона томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар

Жисмоний шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинадиган тўловларга қўйидаги тўловларни киритинг:

- болаларни мактабга таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш ҳақини;

● жисмоний шахсларга берилган уй-жойнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатларини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини;

- санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қиймати, дам олиш, стационар ва амбулатор даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини;

- жисмоний шахснинг даромади бўлган бошқа харажатларини тўлаш.

Жисмоний шахсларга реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар нархи ҳамда уларнинг қиймати ўртасидаги салбий фарқни аниқлаш учун товарлар (ишлар, хизматлар) харид нархи ёки таннархини ҚҚС ва акциз солиғини (мавжуд бўлган тақдирда) ҳисобга олган ҳолда, асос қилиб олин.

Моддий наф тарзидаги тўловларга ЖШДС солинади ҳамда ижтимоий солиқ солинмайди (СК 403-м.).

**Дала таъминоти, шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун тўловлар**

Дала таъминоти дала шароитидаги ишлар учун тўланади. Тармоқ идоралари бундай тўлов тўлайдиган корхоналар рўйхатини тасдиқлайди. Корхонага ушбу рўйхатга киритилмаган бўлса, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда дала таъминотини мустақил равишда тўлашнинг мумкин.

Уни Дала шароитида банд бўлган ходимларга дала таъминоти тўлаш тартиби тўғрисидаги низома (ВМнинг 2.07.2012 йилдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ тўланг.

**МИСОЛ. Дала таъминотини ҳисоботда акс эттириш**

Корхона ходимга дала шароитидаги ишлар учун бир кунда 40 минг сўм тўлайди. Ҳисобот даврида икки нафар ходимга жами 800 минг сўмлик дала таъминоти ҳисобланган. МҲЭКМ – 679 330 сўм.

Дала таъминоти нормаси бир кунда 0,053 МҲЭКМга ёки 36 004 сўмга (679 330 x 0,053) тенг.

Норма бўйича 10 кунлик тўлов:

36 004 сўм x 10 кун x 2 киши = 720 080 сўм.

Ҳақиқатда 800 000 сўм (40 000 x 10 x 2) тўланган. Чегирилмайдиган нормадан ортиқча тўловлар (СК 317-м. 4-б.):

800 000 – 720 080 = 79 920 сўм.

Белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти:

- компенсация тўловлари ҳисобланади (СК 373-м. 8-б.);
- ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари таркибига киритилади (СК 371-м. 1-қ.);
- ЖШДС ва ижтимоий солиқ солинади (СК 365, 370, 403-м.).



Ҳисоб-китобга 2-илованинг 0105-сатрида қуйдагилар акс эттирилади:

- 3-устунда – 800 000 сўм;
- 4-устунда – 79 920 сўм.

**Шахсий автотранспортдан хизмат сафарлари мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация тўловлари** махсус Тартибда (ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарорига 3-илова) белгиланган.

Компенсация автомобиль двигателининг от кучи миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўланади ва ЭКИХга каррали миқдорларда белгиланади.

**МИСОЛ. Компенсация суммасини Фойда солиғи бўйича ҳисоботда акс эттириш**

Корхона ходимга унинг автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун ойига 892 000 сўм миқдорда компенсация тўловларини ҳисоблайди.

Бундай автомобиль учун чекланган норма – ойига 780 500 сўм.

Чегирилмайдиган нормадан ортиқча сумма:

892 000 – 780 500 = 111 500 сўм.

Нормативдан ортиқча компенсация суммаси:

- компенсация тўловларига киритилади (СК 373-м. 11-б.);
- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар таркибига киритилади (СК 371-м. 1-қ.);
- унга ЖШДС ва ижтимоий солиқ солинади (СК 365, 370, 403-м.).

Ҳисоб-китобга 2-илованинг 0105-сатрида 3 ва 4-устунларда 111 500 сўмни акс эттирамиз.

Бироқ 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ЭКИХ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – МҲЭКМга алмаштирилган (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди).

Ходимнинг шахсий автотранспортдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун белгиланган нормалардан ортиқча тўловлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирив ташланмайди (СК 317-м. 4-б.).

## Пенсияларга устамалар ва қўшимча тўловлар

Пенсияларга устамалар ва қўшимча тўловларни чегирилмайдиган харажатларга киритинг ва Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0119-сатри бўйича 3 ва 4-устунларда акс эттиринг (СК 317-м. 5-б.).

Ишлайдиган пенсионерларнинг пенсияларига қўшимча тўлов-

лар улар учун ишлаб берилмаган вақтга ҳақ тўлаш ҳисобланади (СК 374-м. 13-б.). Уларга ЖШДС ва ижтимоий солиқ солинг.

Ишламайдиган пенсионерларга тўловлар улар учун бошқа даромадлар ҳисобланади. Уларга ЖШДС солинг, ижтимоий солиқни эса ҳисобламанг (СК 377-м. 11-б.).

**МИСОЛ. Пенсияларга устамалар ва қўшимча тўловларни фойда солиғи бўйича ҳисоботда акс эттириш**

Корхона ижтимоий кўмак сифатида корхонада ишлайдиган пенсионерга, шунингдек илгари корхонада ишлаган пенсионерларга пенсияларга қўшимча тўловларни тўлайди. Ҳисобот даврида пенсияларга қўшимча тўловларнинг умумий суммаси 1 500 миң сўмни ташкил этди. Маъжур тўловлар фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашда тўлиқ ҳажмда чегирилмайди (СК 317-м. 5-б.).

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0119-сатри бўйича қуйдагиларни акс эттирамиз:

- 3-устунда – 1 500 миң сўм;
- 4-устунда – 1 500 миң сўм.

## Моддий ёрдам

Моддий ёрдамнинг айрим турлари чегирилмайдиган, бошқа турлари чегириладиган харажатларга киритилади.

Т/р	Моддий ёрдам	Норма	Чегириладиган харажатлар	Чегирилмайдиган харажатлар
1	Ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган		Ҳа	Йўқ
2	Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга кўрсатиладиган	СК 377-моддаси 10-банди	Ҳа	Йўқ
3	Бола туғилиши муносабати билан кўрсатиладиган	СК 317-моддаси 6-банди	Йўқ	Ҳа
4	Ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан кўрсатиладиган		Йўқ	Ҳа
5	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзида кўрсатиладиган		Йўқ	Ҳа

Чегирилмайдиган моддий ёрдамни (жадевалнинг 3–5-бандлари) Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0120-сатрида акс эттиринг.

Санаб ўтилган тўловлардан ташқари, Солиқ кодексига қуйидаги моддий ёрдам турлари ҳам назарда тутилган:

- факулдада вазиятлар муносабати билан. Улар жисмоний шахнинг даромади ҳисобланмайди (СК 369-м. 2-қ. 3-б.);
- бошқа ҳолатларда. Масалан, таътилга, туғилган кунга, даволанишга, таъмирлашга, набирасининг никоҳ тўйига ва бошқаларга бериладиган, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга киритиладиган моддий ёрдам (СК 372-м. 4-б.).

Моддий ёрдамнинг бундай турлари СК 317-моддасининг

6-бандига киритилмаган. Бироқ бу уларнинг сўзсиз равишда солиқ базасидан чегирилишини аниқлатмайди.

Фақат иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган қуйидаги харажатлар чегирив ташланади (СК 305-м.):

- даромад олишга қаратилган;
- тадбиркорлик фаолиятини саклаб туриш ёки ривожлантиришга алоқаси аниқ асосланган;
- қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқадиган харажатлар.

Харажат ушбу шартлардан ҳеч бирига жавоб бермайдиган бўлса, у чегирилмайдиган харажат ҳисобланади.



- 2-иштирокчи – Уфда 30% улушга эга жисмоний шахс;
  - 3-иштирокчи – Уфда 30% улушга эга жисмоний шахс.
- Дивидендлар суммасини ҳисоб-китоб қиламиз:  
 $102\ 000 \times 80\% = 81\ 600$  минг сўм – тақсимланадиган дивидендларнинг умумий суммаси.  
 Ушлаб қолingan солиқнинг умумий суммаси – 4 080 минг сўм (81 600 × 5%).  
 Иштирокчиларга тўланадиган умумий сумма – 77 520 минг сўм (81 600 – 4 080), шу жумладан:
- 1-иштирокчига – 31 008 минг сўм (77 520 × 40 %);
  - 2-иштирокчига – 23 256 минг сўм (77 520 × 30 %);
  - 3-иштирокчига – 23 256 минг сўм (77 520 × 30 %).

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўтлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Дивидендлар ҳисобланди	81 600	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Солиқ ушлаб қолинди	4 080	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Дивидендлар тўланди	77 520	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»

## Бошқа шахсларнинг фойдасига тўланадиган ихтиёрий сўгурта бадаллари

Бошқа шахсларнинг фойдасига тўланадиган ихтиёрий сўгурта бадаллари фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирилмайди (СК 317-м. 25-б.).

Масалан, айрим компаниялар ходимларига уларнинг манфаатларини кўзлаб ихтиёрий сўгурта (тиббий сўгурта, бахтсиз ҳодисалардан сўгурталаш ва бошқалар) шартномаларини тузиш

кўринишидаги ихтимой пакетларни тақдим этади. Корхонанинг бундай харажатлари жисмоний шахсни моддий наф тарзидаги даромади ҳисобланади (СК 376-м.) ва чегириб ташланмайди. Уларни фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0118-сатрида акс эттиринг.

## Назорат қилинадиган қарздорликлар бўйича харажатлар

Солиқ солиш мақсадларида харажатлар деб эътироф этиладиган харажатларнинг суммасидан ортиқча ҳисобланган фоизлар ва айрим харажатларни чегирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 26-б.).

Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар тарзидаги харажатларни ҳаққий ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланг (СК 310-м. 1-қ.).

Корхонанинг назорат қилинадиган қарзи билан боғлиқ харажатлари белгиланган энг кўп қийматлардан ошмайдиган миқдорда чегириб ташланади (СК 310-м. 2-қ.).

Назорат қилинадиган қарзларга қуйидагиларни киритинг:

- корхонанинг устав фондидаги улушнинг 20%идан ортиғига эғалик қиладиган чет эллик шахс олдидаги қарзи;
  - 1-бандида кўрсатилган чет эллик шахснинг ўзаро боғлиқ шахси деб эътироф этиладиган бошқа шахс олдидаги қарзи;
  - 1-бандда кўрсатилган чет эллик шахслар олдида кафилик қилувчи, кафил сифатида иш юритувчи шахс олдидаги қарз.
- Қуйидагиларга нисбатан энг кўп қийматни белгиланг:
- қарз маблагларидан фойдаланганлик учун фоизларга;
  - жарималар, пеняларнинг суммаларига, шартнома мажбуриятларини бузганлик учун зарарларнинг ўрнини қоплаш суммаларига.

Хорижий компания олдидаги назорат қилинадиган қарз хусусий капиталингиз миқдоридан 3 баравардан ортиқ бўлса, лизинг фаолияти билан шуғулланадиган банклар ва корхоналар учун ушбу капиталдан 13 баравардан ортиқни ташкил этса, чегириладиган харажатларнинг энг кўп қийматини аниқланг.

Чегириладиган харажатларнинг энг кўп қийматини қуйидаги формула бўйича аниқланг:

$Cx = Xcd / Kk$ , бу ерда:

- Cx** – чегириладиган харажатларнинг энг кўп миқдори;
  - Xcd** – солиқ даври бошидан назорат қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар;
  - Kk** – капиталлаштириш коэффициенти.
- Капиталлаштириш коэффициентини қуйидаги формула бўйича аниқланг:

$Kk = (H\kappa / X\kappa) / H$ , бу ерда:

- Hκ** – ҳисобот даври охирида сўндирилмаган назорат қилинадиган қарзлар суммаси;
- Xκ** – ҳисобот даври охиридаги хорижий компаниянинг бевосита ёки билвосита иштироки улушидаги хусусий капитал;
- H** – норматив. Банклар ва лизингга берувчилар учун H – 13, бошқалар учун – 3.

### МИСОЛ. Назорат қилинадиган қарзлар билан боғлиқ харажатларни аниқлаш

Корхонанинг хусусий капитали – 500 000 минг сўм. Корхона устав фондининг 30%и хорижий компанияга тегишли.

Ҳисобот даври охирига қарзлар бўйича назорат қилинадиган қарз – 675 000 минг сўм. Фоизлар бўйича харажатлар – 67 500 минг сўм.

Капиталлаштириш коэффициенти – 1,5 (675 000 / (500 000 × 30 %) / 3). Чегириладиган харажатларнинг энг кўп қиймати – 45 000 минг сўм (67 500 / 1,5).

Чегирилмайдиган харажатлар – 22 500 минг сўм (67 500 – 45 000).

Фоизларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0114-сатрида акс эттирамиз:

- 3-устунда – фоизлар бўйича жами харажатлар суммаси – 67 500 минг сўм;
- 4-устунда – чегирилмайдиган харажатлар – 22 500 минг сўм.



2020 йилда корхона томонидан куйидагилар акс эттирилади:

- Бухгалтерия ҳисобида 0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши» счётида – 27 500 минг сўм;
- Чегирилмаган харажат сифатида Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0106-«Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси» сатрида 3-устунда – 20 625 минг сўм;
- 012-балансдан ташқари счётида бухгалтерия ва солиқ ҳисобидаги фарқлар суммаси – 6 875 минг сўм (27 500 – 20 625). У солиқ ҳисобида акс эттирилмайди.

Жадавалдан кўриниб турибдики, ускуналар амортизациясига оид харажатлар умуман олганда ускунанинг ҳақиқий қиймати – 150 000 минг сўмдан ошмайди. Бироқ бухгалтерия ва солиқ ҳисоби мақсадларида харажатлар турли даврларда ҳисобдан чиқарилади.

## Қонун ҳужжатларидаги талабларда шакллантирилиши назарда тутилмаган захира фондларга ажратмалар

Захира фондлар қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидагилар томонидан ташкил этилиши мумкин:

- банклар;
- сугурта ташкилотлари.

Захиралари белгиланган нормалар доирасида шакллантиринг (СК 315-м. 2-қ.).

Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0117-сатрида акс эттиринг.

Захира соф фойда ҳисобига ташкил этиш учун маблағлар суммаси харажат ҳисобланмайди ва 2-илованинг 0117-сатрида акс эттирилмайди (СК 315-м. 3-қ.).

Ушбу сатрда товарлар кафолат берилган ҳолда реализация қилинган тақдирда, кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича бўлғуси харажатларга захира ни акс эттиринг (СК 316-м.).

Бундан ташқари, корхоналар умидсиз қарзлар бўйича захира ташкил этишлари мумкин. Умидсиз қарз корхона олдидаги қарз бўлиб, уни сўндирилмаслик эҳтимоли жуда юқори бўлади.

Уларга куйидагилар оқибатида сўндирилиши мумкин бўлган қарзларни киритинг (СК 313-м. 1-қ.):

- суднинг қарорига кўра мажбуриятлар тугатилганлиги;
- банкротлик;
- тугатиш;

### МИСОЛ. Захира ташкил этиш ва уни солиқ ҳисобида акс эттириш

Корхона ҳисобот даврида бошида куйидагиларни ташкил этди:

- кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича бўлғуси харажатларга 22 000 минг сўмлик суммадаги захира, улардан 2 500 минг сўм – СКда назарда тутилганидан нормадан ортқча қисми;
- умидсиз қарзлар бўйича захира – 14 000 минг сўм. Ҳисобот даври мобайнида 3 000 минг сўмлик дебиторлик қарзи умидсиз қарз деб тан олинди (СК 313-м.).
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0117-сатрида куйидагиларни акс эттиради:
- 3-устунда – 36 000 минг сўм (22 000 + 14 000);
- 4-устунда – 13 500 минг сўм (2 500 + 14 000 – 3 000).

## Дивидендлар

Дивидендлар – жамиятнинг соф фойдаси бўлиб, унинг иштирокчилари ўртасида даврий равишда тақсимланади. Бухгалтерия ҳисоби қоидаларига кўра улар корхона харажатлари ҳисобланмайди.

Дивидендлар ҳисобланганини бухгалтерия ҳисобида жамият иштирокчиларининг қарзларини кўрсатган ҳолда тақсимланмаган фойданинг қайиши сифатида акс эттиринг (8700-қ. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олуви

- қарздор вафот этганлиги;
- даъво мuddати ўтганлиги.

Умидсиз қарзлар бўйича захира бухгалтерия ҳисобида дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотлар ишончли бўлиши учун ташкил этилади. Бунинг учун харажатларни ҳисобга олуви счётилар билан корреспонденцияда 4910-«Даргумон қарзлар бўйича резерв» счётидан фойдаланинг.

Солиқ кодексида уни ташкил этиш назарда тутилмаган, шу боис солиқ солиш мақсадларида бундай фондларни ташкил этиш харажатларини чегирилмайдиган харажатларга киритинг.

Умидсиз қарзлар бўйича харажатларни куйидаги ҳолатларда чегириб ташланг:

- улар солиқ солинадиган даромадлар олиш билан боғлиқ бўлса;
  - қарзни ҳисобдан чиқариш чоғида.
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0117-сатрида куйидагиларни акс эттиринг (СК 317-м. 23-б.):
- 3-устунда – жами захирага ажратмалар суммасини (соф фойда ҳисобига ташкил этиладиганидан ташқари);
  - 4-устунда – фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирилмайдиган қисмини. Масалан, умидсиз қарзлар бўйича захира ташкил этишга оид харажатлари.

счётилар» счёти дебети – 6610-«Тўланадиган дивидендлар» счёти кредити).

Солиққа оид қонун ҳужжатларида ҳисобланган дивидендлар суммаси фойда солиғи бўйича солиқ базасидан чегирилмайдиган харажатлар сифатида аниқланади (СК 317-м. 24-б.).

Дивидендларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада акс эттирманг, чунки улар молиявий натижаларни шакллантиришда иштирок этмайди.

### МИСОЛ. Дивидендларни ҳисоблаш

Масулияти чекланган жамият йил якунлари бўйича 102 000 минг сўм миқдоридида соф фойда олган. Иштирокчиларнинг умумий йилгилиши соф фойданинг 80%ини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлашга қарор қилди. Иштирокчилар сони Ўзбекистон резидентлари бўлган уч нафар шахсдан иборат, шу жумладан:

- 1-иштирокчи – Уфда 40% улушга эга юридик шахс;



**МИСОЛ. Моддий ёрдамни ҳисоботда акс эттириш**

Корхона ҳисобот даврида ўз ходимларига қуйидаги моддий ёрдам турларини ҳисоблади:

- таътилга (СК 372-м. 4-б.) – 9 000 минг сўм;
  - ходимнинг меҳнатда майиб бўлганлиги муносабати билан (СК 377-м. 10-б.) – 5 500 минг сўм;
  - бола туғилганлиги муносабати билан (СК 377-м. 10-б.) – 3 000 минг сўм;
  - қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун (СК 377-м. 10-б.) – 12 000 минг сўм.
- Мазкур ҳолатда 15 000 минг сўм (3 000 + 12 000) миқдоридagi моддий ёрдам чегирилмайди.
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0120-сатрида қуйидагиларни акс эттирамайз:
- 3-устунда – 15 000 минг сўм;
  - 4-устунда – 15 000 минг сўм.

Таътилга моддий ёрдам тўлаш корхонанинг жамоа шартномасида назарда тутилади. Бу рағбатлантирувчи тусдаги тўловлардан бири бўлиб, ходимларни ўз вазифаларини сифатли бажаришга ундайди ва ўз наъбатига, корхона фаолиятининг пировард натижасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Таътилга моддий ёрдам – 9 000 минг сўм – иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган харажат бўлганлиги сабабли корхона томонидан чегирилмайдиган харажатларга киритилади ва Ҳисоб-китобга 2-илованинг 0105-сатрида 3-устунда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад сифатида акс эттирилади.

Ходимнинг меҳнатда майиб бўлганлиги муносабати билан бериладиган моддий ёрдам – 5 500 минг сўм чегирилмайдиган харажат ҳисобланади. У меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга киритилмаганлиги сабабли корхона томонидан Ҳисоб-китобга 2-илованинг 01341–0134...-сатрларида 3-устунда харажат тури кўрсатилган ҳолда акс эттирилади.

**Ҳомийлик ва хайрия ёрдами**

Ҳар қандай ҳомийлик ва хайрия ёрдами, меценатлик ёрдамидан ташқари, чегирилмайди (СК 317-м. 7-б.).

Уни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0121-сатрида 3 ва 4-устунларда акс эттиринг.

**Меценатлик** – бу маданият, санъат, фан, таълим, маърифат ҳамда маданият ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият («Меценатлик тўғрисида»ги Қонуннинг

4-моддаси). Яъни меценатлик ёрдами мақсадли йўналтирилган бўлади.

Меценатлик меценат ва меценатлик кўмагини олувчи ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Меценатлар ажратиладиган маблағлар ҳисобини тўғри юритишлари лозим («Меценатлик тўғрисида»ги Қонуннинг 6, 11-моддалари).

**МИСОЛ. Хайрия ёрдамига оид харажатларни ҳисоботда акс эттириш**

Корхона томонидан хайрия мақсадларида нотижорат ташкилотларига бепул кўмак кўрсатилади. Ҳисобот даврида хайрия мақсадларида:

- болалар спорт комплексига 50 000 минг сўмлик анжомлар бепул берилган;
- маҳалла кўмитасининг ҳисобрақамига ижтимоий топшириқларни бажариш учун 30 000 минг сўм ўтказилган;
- маданият ва санъатни ривожлантиришга йўналтирилган тадбир ўтказилишини ташкил этишда нотижорат ташкилотига меценатлик кўмаги кўрсатилган. Шартнома суммаси – 27 000 минг сўм.

Хайрия ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирилмайди, меценатлик кўмагини кўрсатишга йўналтирилган маблағлар бундан мустасно (СК 317-м. 7-б.).

Ҳисоб-китобга 2-илованинг 0121-сатрида 3 ва 4-устунларда қуйидаги суммани акс эттирамайз:

50 000 + 30 000 = 80 000 минг сўм.

Меценатлик харажатлари корхона томонидан Ҳисоб-китобга 2-илованинг 01341–0134...-сатрларида 3-устунда харажат тури кўрсатилган ҳолда акс эттирилади.

**Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари**

Ўзбекистон ҳудудига атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндилар жойлаштирилганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби махсус Низомда (ВМнинг 11.10.2018 йилдаги 820-сон қарорига 1-илова) келтирилган.

Ваколатли органлар Экология давлат кўмитаси томонидан белгиланган зарарлантирувчи моддалар квоталаридан келиб чиққан ҳолда, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларни

чиқариш ва чиқиндиларни жойлаштиришининг йўл қўйиладиган чекланган нормативларини белгилайди.

Нормалардан ортиқча тарзда атроф-муҳитни ифлослантирилганлик учун компенсация тўловлари чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 8-б.). Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 01341–0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда харажатлар тури кўрсатилган ҳолда акс эттиринг.



Сизда тасдиқланган нормативлар мавжуд бўлмаса, компенсация тўловлари суммасини чегирилмайдиган харажатларга киритинг.

**Камчиликлар ва шикастланишларни бартараф этиш бўйича қопланмаган харажатлар**

Бундай харажатлар қуйидаги сабабларга кўра юзага келиши мумкин:

- лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликлар;
- ташиш чоғида маҳсулот ва товарларнинг шикастланиши ва деформацияланиши;

• коррозия оқибатида деформацияларнинг аниқланиши.

Одатда булар етказиб берувчилар ва бошқа шахслар томонидан йўл қўйилган камчиликлар бўлади, уларга даъво

билдиришингиз мумкин. Харажатларнинг қопланмаган қисмини бошқа операцион харажатларга киритинг (54-сон Низомнинг 2.3.2-б.).

Камчиликлар ва шикастланишларни бартараф этиш харажатларини чегирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 3-б.). Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 01341–0134...-сатрларида харажатлар тури кўрсатилган ҳолда акс эттиринг.





Камчиликлар ва шикастланишларни бартараф этишга оид харажатларни ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик (брак) ҳолати билан чалкаштирманг. Уларни тузатишга оид харажатларни ишлаб чиқариш таннархига киритинг.

### МИСОЛ. Камчиликларни тузатишга оид харажатлар ҳисоби

«А» корхонаси «В» корхонасига бинони таъмирлашни буюртма қилди. Ишни қабул қилиб олишда камчиликлар аниқланган. Уларни тузатишга оид харажатлар куйидагиларни ташкил этади:

- материаллар – 1 500 минг сўм;
- камчиликларни тузатиш бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш – 700 минг сўм;
- ижтимоий солиқ – 84 минг сўм.

«В» корхонаси даъво асосида фақат 1 000 минг сўмигига қоплаб берди. Қолган сумма бошқа операцион харажатларга ҳисобдан чиқарилди.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Камчиликларни тузатишга оид харажатлар суммасига даъво билдирилди	1 500	4860-«Даъволар бўйича олинмаган счётлар»	1010-«Хом ашё ва материаллар»
	700		6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»
	84		6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»
Даъво бўйича харажатларнинг бир қисми қопланди	1 000	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4860-«Даъволар бўйича олинмаган счётлар»
Сумманинг қолган қисми бошқа операцион харажатларга ҳисобдан чиқарилди	1 284	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	4860-«Даъволар бўйича олинмаган счётлар»

1 284 минг сўм миқдоридоги қопланмаган харажатлар чеғирилмайдиган харажатлар ҳисобланади.

Ушбу суммани Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 01341–0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда акс эттираманг.

### Талон-торож қилишлар ва камомадлардан кўрилган зарарлар

Талон-торож қилишлар ва камомадлардан кўрилган қопланмаган зарарлар айбдорларни аниқлаб ва улар ҳисобдан зарар суммалари қопланишини белгилаб олмаганингиз туфайли юзга келади.

Талон-торож қилиш (камомад) ҳолати аниқланган тақдирда, инвентарлаш ўтказинг ва ҳақиқатда мавжуд моддий қимматликларни бухгалтерия ҳисоби маълумотларига солиштириб кўринг (19-сон БҲМС, АВ томонидан 2.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Камомадда айбдор бўлган шахсни аниқлаган бўлсангиз, йўқотишлар суммани аниқланг. Ходим etkazилган зарар учун ўзининг

ўртача ойлик иш ҳақи доирасида моддий жавобгар ҳисобланади (МКнинг 201-м.).

Қоплашнинг имкони бўлмаган талон-торож қилишларни (камомадларни):

- Бошқа операцион харажатларга киритинг (54-сон Низомнинг 2.3.15.10-б.);
- 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети бўйича ҳисобга олинг;
- чеғирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 10-б.);
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0122-сатрида акс эттиринг.

### МИСОЛ. Талон-торож қилишлар ва камомадлардан кўрилган зарарлар ҳисоби, уларни солиқ ҳисоботида акс эттириш

Омборда инвентарлаш ўтказилганда 5 000 000 минг сўмлик материаллар камомади аниқланди. Камомадда айбдор – омбор мудири. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ (МК 201-м.) айбдор 2 000 минг сўм миқдоридоги зарарнинг бир қисmini қоплаб бериши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Зарар суммаси аниқланди	5 000	5910-«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»	1010-«Хом ашё ва материаллар»
Айбдор шахсдан ундирилаётган сумма белгиланди	2 000	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»	5910-«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»
Зарарнинг бир қисми қопланди	2 000	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»
Зарарнинг қопланмаган қисми зарарларга ҳисобдан чиқарилди	3 000	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	5910-«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»

3 000 минг сўмлик зарар суммасини чеғирилмайдиган бошқа операцион харажатларга киритамиз ва Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0122-сатри бўйича 3 ва 4-устунларда акс эттираманг.



28 000 + 800 + 120 = 28 920 минг сўм – товар таннархи.  
 Ушбу ҳисобот даврида корхона товарнинг 70%ини реализация қилди:  
 28 920 x 70 % = 20 244 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Товар келиб тушди	28 000 800 120	2910-«Омбордаги товарлар»	6010-«Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўётлар»
ҚҚС ҳисобга олинди	4 200	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича буняк тўловлари (турлари бўйича)»	6010-«Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўётлар»
Товарни реализация қилишда унинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	20 244	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Омбордаги товарлар»

Реализация қилинган товарнинг таннархи – 20 244 минг сўмини Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0107-сатрида акс эттирамиз.

Товарнинг қолдиқ қиймати – 8 676 минг сўм (28 920 – 20 244) – ҳисоботда товар реализация қилинган даврда акс эттирилади.

Товар қиймати уни реализация қилиш чоғида харажат сифатида эътироф этилганлиги сабабли товарни сотиб олиш харажатларини харажатлар таркибига киритмаймиз ва Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада акс эттирмаймиз.

### Харажатларнинг Солиқ кодексига белгиланган нормалардан ортиқ бўлган суммаси

Солиқ кодексига айрим харажатлар турлари учун уларни харажатлар таркибига киритишнинг чекланган нормалари белгиланган. Масалан, амортизация қилинадиган активларни сотиб олиш (яратиш) харажатлари чекланган амортизация нормалари бўйича амортизация ажратмалари орқали харажатларга киритилади (СК 306-м. 6-б.).

Солиқ солиш мақсадлари учун белгиланган нормалардан ортиқча амортизация ҳисобланган тақдирда, ортиқча суммаси:

- солиқ базасини ҳисоблашда чегириб ташламанг (СК 317-м. 22-б.);

- 012-«Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» баланسدан ташқари сўётда акс эттиринг;

- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада акс эттирманг. Ортиқча суммаси кейинги ҳисобот даврларида чегириб ташлашингиз мумкин.

#### МИСОЛ. Солиқ кодексига белгиланган нормалардан ортиқ бўлган амортизация ҳисоби

2020 йил январь ойида корхона томонидан қиймати 150 000 минг сўмлик технологик ускуна ишга туширилди. Ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади.

Корхона ускунанинг назарда тутилган 5 йиллик хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда, унинг амортизация нормасини 20% этиб белгилади. Амортизация тўғри чизиқли усул билан ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадлари учун назарда тутилган йиллик чекланган норма – 15% (СК 306-м. 6-б.). Солиқ солиш мақсадида ҳисобланган амортизация ва бухгалтерия ҳисоби бўйича амортизация суммалари ўртасидаги фарқ корхона томонидан 012-балансдан ташқари сўётда ҳисобга олинади.

Тушуниш осон бўлиши учун актив келгусида қайта баҳоланмайди ва уни тузатиш қиймати 0 га тенг деб фараз қиламиз.

Корхона февраль ойидан бошлаб амортизацияни ҳисоблайди ҳамда бухгалтерия ва солиқ ҳисобида қуйдагича акс эттиради:

Давр	Бухгалтерия ҳисоби (20%)	Солиқ ҳисоби		
		чегириладиган харажатлар (15%)	келгуси харажатлар (012-сўёт)	жами келгуси харажатлар
2020 йил февраль–декабрь	$150\,000 \times 20\% / 12 \times 11 = 27\,500$	$150\,000 \times 15\% / 12 \times 11 = 20\,625$	$27\,500 - 20\,625 = 6\,875$	6 875
2021 йил	$150\,000 \times 20\% = 30\,000$	$150\,000 \times 15\% = 22\,500$	$30\,000 - 22\,500 = 7\,500$	$6\,875 + 7\,500 = 14\,375$
2022 йил	30 000	22 500	7 500	$14\,375 + 7\,500 = 21\,875$
2023 йил	30 000	22 500	7 500	$21\,875 + 7\,500 = 29\,375$
2024 йил	30 000	22 500	7 500	$29\,375 + 7\,500 = 36\,875$
2025 йил	$150\,000 \times 20\% / 12 = 2\,500$	22 500	$2\,500 - 22\,500 = -20\,000$	$36\,875 - 20\,000 = 16\,875$
2026 йил	–	16 875	16 875	$16\,875 - 16\,875 = 0$
<b>Жами:</b>	<b>150 000</b>	<b>150 000</b>		



- монтаж қилиш ва сошлаш;
- қўшимча қуриш ва қўшимча жиҳозлаш;
- реконструкция қилиш;
- модернизация қилиш;
- техник қайта жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа харажатлардир.

Улар амалга оширилган даврда харажатлар сифатида эътироф этилмайди. Амортизация қилинадиган активлар қийматини босқичма-босқич амортизация ажратмалари сифатида харажатларга киритилган (СК 305-м. 11-қ., 306, 307-м.).

Солиқ базасини аниқлашда амортизация қилинадиган ак-

тивлар қиймати икки марта чегирилишининг (биринчи марта – харажатларни амалга оширишда, иккинчи марта – амортизация ҳисоблаш орқали) олдини олиш учун харажатлар қийматини чегириладиган харажатлар таркибидан чиқариб ташланг (СК 317-м. 20-б.).

Асосий воситалар (номоддий активлар) қийматига қўшилган харажатларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада **акс эттирмаг**.

2-илованинг 0106-сатрида улар буйича амортизацияни акс эттиринг.

### **МИСОЛ. Амортизация қилинадиган активларнинг қийматига қўшилидиган харажатлар ҳисоби**

Корхона февраль ойида импорт ишлаб чиқариш ускунасини харид қилди. Етказиб бериш қиймати – 60 000 минг сўм. Олиб киришда корхона 6 000 минг сўм миқдорда божжона божини ва 9 900 минг сўмлик ҚҚСни тўлади. Ташвиш ва туширишга оид харажатлар 1 500 минг сўмни (ҚҚСsiz) ташкил қилди. Ускуна шу ойдаёқ ишга туширилган. Амортизация тўғри чизикли усул билан 15%лик норма буйича ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счёплар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Ускунанинг бошланғич қиймати шакллантирилди	60 000 6 000 1 500	0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»	6010-«Мол етказиб беришчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёплар» 6990-«Бошқа мажбуриялар»
ҚҚС акс эттирилди	9 900	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар буйича бунак тўловлари (турлари буйича)»	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»
Ускунани ишга тушириш акс эттирилди	67 500	0130-«Машина ва асбоб-ускуналар»	0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»
Март ойи учун амортизация ҳисобланди (амортизация нормаси – 15%) (67 500 x 15% / 12)	843,75	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши»

843,75 минг сўмлик суммани Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0106-сатрида акс эттирамай.

Ускуна қиймати – 67 500 минг сўм чегириладиган харажат ҳисобланмайди ва Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада акс эттирилмайди.

## **Амортизация қилинмайдиган мол-мулкнинг бошланғич қийматига киритиладиган харажатлар**

Амортизация қилинмайдиган мол-мулкка асосий воситаларнинг айрим турлари киритади. Масалан (СК 306-м., 5-сон БҲМСнинг 35-банди):

- ер участкалари, сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар;

- маҳсулдор чорва моллари;
- ахборот-кутубхона фонди;
- консервация қилинган асосий воситалар;
- музей ашёлари;
- моддий маданий мерос объектилари;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлқалар, сайилгоҳлар, хибонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари.

Уларнинг қиймати амортизация қилинадиган активлар қиймати сингари шакллантирилади (5-сон БҲМСнинг 3, 4-параграфлари; 7-сон БҲМСнинг 3, 4-параграфлари). Бунда у амортизация ажратмалари сифатида харажатларга киритилмайди. Бундай активлар қийматини уларнинг чиқиб кетишида ҳисобдан чиқаринг (СК 305-м. 12-қ.).

### **МИСОЛ. Амортизация қилинмайдиган мол-мулкни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби**

ҚҚС тўловчи корхона ҳисобот даврида қайта сотиш мақсадида товар туркумини сотиб олади. Товарнинг шартнома қиймати – 32 200 минг сўм (шу жумладан ҚҚС – 15%). Товари ташвишга оид хизматлар 800 минг сўмни (ҚҚСsiz) ташкил этади, товарни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар – 120 минг сўм.

Харид қилинган товарларнинг таннархини аниқлаймиз:

32 200 / 115 x 15 = 4 200 минг сўм – ҚҚС суммаси;

32 200 – 4 200 = 28 000 минг сўм – товар суммаси ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда;

Икки марта чегирилишининг олдини олиш учун бундай активлар қийматини шакллантирадиган харажатлар чегириладиган харажатлар деб эътироф этилмаглиги лозим (СК 317-м. 21-б.).

Барча товар-моддий захиралар амортизация қилинмайдиган мол-мулкка киритади. Уларнинг қийматини 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»нинг 3-параграфига мувофиқ шакллантиринг (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Уларнинг қийматини улар билан боғлиқ даромад олинган ёки зарар қўрилган ҳисобот давридаги харажатлар таркибига киритинг (4-сон БҲМСнинг 51-банди).

Яъни омборга жойлаштирилган ТМЗларни харид қилишга доир харажатлар харажат сифатида эътироф этилмайди.

Солиқ базасини аниқлашда ТМЗлар қиймати икки марта чегирилишининг (биринчи марта – сотиб олиш буйича харажатларни амалга оширишда, иккинчи марта – харажатларга ҳисобдан чиқаришда) олдини олиш учун харажатлар қийматини чегириладиган харажатлар таркибидан чиқариб ташланг (СК 317-м. 21-б.).



## Бошқа шахслар учун тўланган солиқлар

Бошқа шахслар учун тўланган солиқларни чегирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 11-б.).  
Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0123-сатрида акс эттиринг.

### **МИСОЛ. Бошқа шахслар учун солиқларни тўлашни солиқ ҳисоботида акс эттириш**

Хорижий компания Ўзбекистон резиденти бўлган корхонага доимий муассасани (ДМ) ташкил этмаган ҳолда, республика ҳудудида 10 000 АҚШ доллари қийматидаги хизматларни кўрсатди. Бунда резидентлик сертификати тақдим этилмаган. Корхона даромад тўлаш манбаи сифатида норезидентнинг даромадларидан 20%лик ставкада фойда солиғини ушлаб қолиши лозим (СК 351-м. 1-қ., 353-м. 6-қ.), яъни бюджетга 2 000 доллар ва хорижий компанияга – 8 000 доллар ўтказиши керак. Корхона хорижий компанияга 10 000 доллар ўтказди ва унинг даромадларидан фойда солиғини ушлаб қолмади. Корхона-резидент даромад тўлаш манбаи сифатида солиқ тўлашни учун масъул бўлади (СК 354-м. 12-қ.). Шу боис у норезидент учун 2 500 доллар (10 000 / 80 × 20) миқдорда солиқ тўлайди ва уни чегирилмайдиган харажатларга киритади. Тўланган солиқ суммаси Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0123-сатрида 3 ва 4-устунларда акс эттирилади.

## Солиқ текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар

Текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар чегирилмайди (СК 317-м. 12-б.).  
Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0124-сатрида акс эттиринг.

### **МИСОЛ. Текширувлар натижалари бўйича мол-мулк солиғини қўшимча ҳисоблаш ва солиқ ҳисоботида акс эттириш**

Корхонада 2 та фаолият тури юритилади, улардан бири бўйича у мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилган. Корхона солиқ солинадиган ва солинмайдиган мол-мулк бўйича алоҳида ҳисоб юритади. Солиқ текшируви натижалари бўйича мол-мулкнинг алоҳида ҳисобини юритишда йўл қўйилган хатолик туфайли корхонага 2 000 минг сўм миқдорда қўшимча мол-мулк солиғи ҳисобланади.

Қўшимча ҳисобланган суммани корхона:

- бошқа операция харажатларга киритади (54-сон Низомнинг 2.3.14-б.);
- 9430-«Бошқа операция харажатлар» сўбти дебети бўйича ҳисобга олинади;
- чегирилмайдиган харажатларга киритади;
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0124-сатрида акс эттирилади.

## Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга доир харажатлар

Булар қуйидагилар бўйича харажатларни ўз ичига олади:

- ходимларнинг соғлиғини сақлаш;
- спорт ва маданий тадбирлар ташкил этиш;
- ходимларнинг иш вақтидан ташқари вақтда дам олишини ташкил этиш;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа шунга ўхшаш тадбирлар.

Яъни булар жисмоний шахсларнинг аниқ даромадлари эмас,

балки ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга доир харажатлар чегирилмайдиган бошқа операция харажатларга киритилади (СК 317-м. 13-б.; 54-сон Низомнинг 2.3.6-б.).

Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0125-сатрида акс эттиринг.

### **МИСОЛ. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни солиқ ҳисоботида акс эттириш**

Корхона ҳисобот дврида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга доир харажатлар қилган:

- ходимлари учун спорт ўйинларини ўтказишга – 18 000 минг сўм;
- шаҳардан ташқаридаги дам олиш зоналарида ходимларнинг дам олишини ташкил қилишга – 23 000 минг сўм.

Ушбу харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирилмайди (СК 317-м. 13-б.).

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0125-сатрида 3 ва 4-устунларда харажатларнинг умумий суммаси – 41 000 минг сўмни (18 000 + 23 000) акс эттиради.

## Қасаба уюшмалари кўмиталарига ёрдам кўрсатиш

Қасаба уюшмалари кўмиталарига ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни чегирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 14-б.).

Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 01341–0134...сатрларида 3 ва 4-устунларда харажат тури кўрсатилган ҳолда акс эттиринг.

Ўзбекистон Республикаси  
қонунчилиги

www.norma.uz



## Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажарганлик (хизматларни кўрсатганлик) учун қилинган харажатлар

Уларга қуйидагилар бўйича харажатларни киритинг:

- шаҳарлар ва посёлкаларни ободонлаштириш ишлари;
- қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиши;
- маҳаллий ҳокимият органларининг илтимосига кўра бажариладиган бошқа турдаги ишлар.

Булар бошқа операциялар харажатлар ҳисобланади (54-сон Низомнинг 2.3.7-6.).  
Улар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирлмайди (СК 317-м. 15-б.).  
Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0126-сатрида акс эттиринг.

### МИСОЛ. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган

#### хизматларни кўрсатишда қилинган харажатларни солиқ ҳисоботида акс эттириш

Корхона маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосига кўра аҳоли яшайдиган ҳудудни ободонлаштириш хизматларини кўрсатди. Бундай хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар 80 000 минг сўмни ташкил этди. Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0126-сатрида 3 ва 4-устунларда 80 000 минг сўмни акс эттиради.

## Солиқ солинмайдиган даромад олиш билан боғлиқ харажатлар

Солиқ солинмайдиган даромадлар СКнинг 304-моддасида келтирилган.  
Бундан ташқари, даромадлар фойда солиғидан озод этиш тарзидаги имтиёзлар тақдим этилганлиги муносабати билан ҳам солиқ базасига киритилмаслиги мумкин.  
Бундай даромадлар билан боғлиқ бўлган харажатлар чегирлмайди (СК 317-м. 16-б.).



Сизда солиқ солинадиган ва солинмайдиган даромадлар мавжуд бўлса, даромадлар ва харажатлар ҳисобини тўғридан-тўғри ёки мутаносиб усулда алоҳида-алоҳида юритинг (СК 80-м.). Бу фойда солиғи бўйича солиқ базасини тўғри аниқлашга имкон беради. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш усулини ҳисоб сибсатида акс эттиринг.

Уларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг тегишли сатрларида 3 ва 4-устунда харажатлар турига қараб акс эттиринг.

### МИСОЛ. Солиқ солинмайдиган даромад олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисоботида акс эттириш

Корхонада 2 та фаолият тури юритилади, улардан бири бўйича фойда солиғини тўлашдан озод этилган. Корхона мутаносиб усулда алоҳида ҳисоб юртади.

Ҳисобот даврида ялли даромад 100 000 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан 40 000 минг сўм солиқ солишдан озод этилган.

Корхонанинг ҳисобот давридаги харажатлари:

- хом ашё ва материаллар – 45 000 минг сўм;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ – 20 000 минг сўм;
- ускуна амортизацияси – 7 000 минг сўм.

Солиқ солинмайдиган даромадларга тўғри келадиган чегирлмайдиغان харажатларни аниқлаймиз:

- хом ашё ва материаллар – 18 000 минг сўм (45 000 × 40 000 / 100 000);
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ – 8 000 минг сўм (20 000 × 40 000 / 100 000);
- ускуна амортизацияси – 2 800 минг сўм (7 000 × 40 000 / 100 000).

Корхона Ҳисоб-китобига 2-иловада қуйидаги сатрлар бўйича суммаларни акс эттиради:

- 0101: 3-устунда – 45 000 минг сўм, 4-устунда – 18 000 минг сўм;
- 0105: 3-устунда – 20 000 минг сўм, 4-устунда – 8 000 минг сўм;
- 0106: 3-устунда – 7 000 минг сўм, 4-устунда – 2 800 минг сўм.

## Ҳақиқатда хизматлар кўрсатмасдан ёки товарларни жўнатмасдан туриб амалга оширилган операциялар бўйича харажатлар

Бундай хизматлар кўрсатиш далили қонуний кучга кирган суднинг қарори билан аниқланган бўлиши лозим.

Масалан, бундай харажатлар товарлар ва хизматларни реализация қилишдан олиннадиган тушуمنى нақд ҳисоб-китоб қилиниши сабабли корхона ҳисоботида акс эттирмаслик оқибатида юзага келиши мумкин.

Ёки сизга ҳақи тўланган ва харажат сифатида акс эттирилган хизматлар учун хисоббарақ-фактура тақдим этилган. Аслида хиз-

мат кўрсатилмаган. Моҳиятига кўра, сиз бошқа тарафга бегараз ёрдам кўрсатган бўласиз.

Солиқ солиш мақсадларида ушбу харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирлмайди (СК 317-м. 17-б.).

Бундай харажатларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 01341-0134...-сатрларида 3 ва 4-устунларда харажат турини кўрсатган ҳолда акс эттиринг.

### МИСОЛ. Ҳақиқатда хизматлар кўрсатмасдан амалга оширилган операциялар бўйича харажатларни ҳисоботида акс эттириш

Корхона 88 000 минг сўм миқдоридида ишлаб чиқариш биносини таъмирлаш хизматлари қийматини чегирилмайдиган харажатларга киритган. Ушбу хизматлар олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.



Солиқ хизмати ташқи манбалардан олинган маълумотларга ва камерал текшируве натижаларига асосан ушбу хизмат корхонага ҳақиқатда кўрсатилмаган деган хулосага келди. Корхона солиқ хизматининг хулосасига норозилик билдирди. Солиқ хизмати далил-исботларни тўплаб, ушбу корхонага нисбатан судга даъво тақдим этган. Суд таъмирлаш ишлари ҳақиқатдан амалга оширилмаганлиги сабабли корхона бинони таъмирлаш бўйича харажатларни харажат деб нотўғри эътироф этганлиги ҳақида қарор чиқарган. Суднинг қарори қонуний ҳучга кирган. Суднинг қарорига асосан корхона ушбу харажатларни чегирилмайдиган харажатлар деб эътироф этиши лозим (СК 317-м. 17-б.).

## Даромад олишга қаратилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар

Куйидаги шартлардан бирига мувофиқ келадиган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган харажатларининг чегирлиши мумкин (СК 305-м.):

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- 3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Харажатларингиз ушбу шартлардан биронтасига мос келмаса ва СКнинг 317-моддасининг бошқа бандларида акс эттирилмаган бўлса, уларни:

- даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чегирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 18-б.).
- бошқа операцион харажатлар сифатида ҳисобга олинг (9430-счёт);
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0127-сатрида 3 ва 4-устунларда акс эттиринг.

## Жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар

Куйидаги ҳолатларда корхонада жарима, пеня, неустойкалар юзга келиши мумкин:

- шартнома мажбуриятлари бузилганда;
- шартноманинг иккинчи тарафига зарар ёки зиён етказилганда;
- қонунчилик бўйича мажбуриятларни бажаришдан бош тортилганда;
- бошқа ҳолатларда.

Харажатларга сиз томондан тўланган ёки эътироф этилган жарима санкцияларини киритинг.

Жарима санкциялари суммасини:

- бошқа операцион харажатларга киритинг (54-сон Низомнинг 2.3.15, 13-банди);
- 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти дебети бўйича ҳисобга олинг;
- чегирилмайдиган харажатларга киритинг (СК 317-м. 19, 36-б.);
- Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0128, 0131-сатрида 3 ва 4-устунларда акс эттиринг.

### МИСОЛ. Жарималар, пенялар ва бошқа санкцияларни ҳисобга олиш ва солиқ ҳисоботида акс эттириш

Корхона:

- шартнома мажбуриятларини бузганлиги учун 5 000 минг сўмлик неустойка тўғрисидаги битимни имзолади;
- ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузганлиги учун 800 минг сўм жарима тўлади;
- солиқлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун 100 минг сўм пеня тўлади.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспондентсияси	
		дебет	кредит
Неустойка тан олинди	5 000	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счётлар»
Неустойка тўланди	5 000	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счётлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузганлик учун жарима ҳисобланди	800	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Жарима бюджетга тўланди	800	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счётлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Солиқ бўйича пеня ҳисобланди	100	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Пеня бюджетга тўланди	100	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Ушбу харажатларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловада куйидагича акс эттирирамиз:

- 0128-сатрида 3 ва 4-устунларда – бюджетга тўланган пеня ва жарима суммаси – 900 минг сўм;
- 0131-сатрида 3 ва 4-устунларда – неустойка суммаси – 5 000 минг сўм.

## Амортизация қилинадиган активларнинг қийматида қўшиладиган харажатлар

Амортизация қилинадиган активлар (асосий воситалар, номдодий активлар) қийматини бухгалтерия ҳисоби нормалари бўйича шакллантиринг (5-сон БҲМСнинг 3, 4-параграфлари, рўйхат рақами 1299, 20.01.2004 й.; 7-сон БҲМСнинг 3, 4-параграфлари, рўйхат рақами 1485, 27.06.2005 й.).

Амортизация қилинадиган активларнинг қийматида қўшиладиган харажатлар уларни:

- сотиб олиш;
- ишлаб чиқариш;
- қуриш;



## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ: ТЎЛОВ УЧУН АСОС

Корхона шартнома бўйича тўлов тўламоқчи.

1. Хўжалик шартномаларини тузишда товарлар (хизматлар) ҳақини тўлаш учун қандай ҳужжатлар асос бўлади?
2. Шартномавий муносабатларда ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси қандай ҳужжат ва у нима учун тузилади?

1 Хўжалик шартномалари бўйича товарлар (хизматлар) учун қуйидагиларга асосан ҳақ тўлаш мумкин:

- шартноманинг тегишли шартлари;
- тўланадиган счётлар;
- ҳисобварақ-фактуралар, юкхат

ўрнидаги ҳисобварақ-фактуралар, бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) далолатномаси;

- ўзаро ҳисоб-китоблар далолатномаси;
- бошқа фармойишлар ёки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлари.

2 Шартномавий муносабатларда ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси – бу тарафлар томонидан тузиладиган ва имзоланган аниқ шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш. Унга хронологик тартибда шартнома асосида амалга оширилган барча пул маблағларига оид операциялари киритилади. Далолатнома асосида тарафлар ўртасида муайян санада қарзнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланади ва тасдиқланади. Ушбу ҳужжат турли сабабларга кўра тузилади:

- қарздор устидан судга даъво тақдим этиш учун;
- дебиторлардан қарз суммасини ундириш мақсадида солиқ органларига бериш учун;
- даъво муддатини тиклаш учун;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини инвентаризациядан ўтказиш учун;
- тарафлардан бири томонидан бухгалтерия ҳисобини тиклаш учун;
- бошқа ҳолатларда.

## ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИНИ СОТИШДА ФойДА СОЛИҒИ

Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхона 0810-счётда ҳисобда турган тугалланмаган қурилиш объектини сотмоқда. Объектнинг баланс қиймати 10 млн сўм, ҚҚСсиз сотиш нархи – 12 млн сўм. Объект илгари қайта баҳоланмаган. Қайси сумма тугалланмаган қурилиш объектини сотишда фойда солиғи бўйича солиқ базасига киритилади? Тугалланмаган қурилиш объектини чиқиб кетишидан олинандиган тушум аниқланадими ёки даромад?

– Фойда солиғи солиш мақсадларида тугалланмаган қурилиш объектининг чиқиб кетишидан олинган даромад жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 6-б.). Тугалланмаган қурилиш объектининг чиқиб кетишидан олинандиган даромад деб бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган чиқиб кетишдан олинандиган фойда эътироф этилади (СК 298-м. 1-қ.).

Агар тугалланмаган қурилиш объекти илгари қайта баҳоланган бўлса, қайта баҳолаш сальдоси унинг чиқиб кетишдан олинган даромад таркибига киритилади (СК 298-м. 2-қ.).

Бухгалтерия ҳисобида тугалланмаган қурилиш объектининг чиқиб кетиши 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти орқали акс эттирилади (Низом, 390-б., 21-сон БҲМСга 2-илова, АВ рўйхат рақами 1181, 23.10.2002 й.). Сизнинг ҳолатда тугалланмаган қурилиш объектини сотишда бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Сумма, млн сўм
	дебет	кредит	
Тугалланмаган қурилиш объекти сотилди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	13,8
Тугалланмаган қурилиш объектини сотишда ҚҚС ҳисобланди	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	1,8
Тугалланмаган қурилиш объектининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0810-«Тугалланмаган қурилиш»	10
Тугалланмаган қурилиш объектининг чиқиб кетишидан қўрилган даромад акс эттирилди	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»	2

Юридик шахс – Қозоғистон резидентлиги Ўзбекистон резидентлиги бўлган юридик шахсга Facebook ва Instagram тармоқларида реклама оид хизматлар кўрсатади.

Ўзбекистон резидентлиги бўлган юридик шахс ЎзР юридик шахсига Интернет тармоғида реклама оид хизматлар кўрсатишда солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши лозимми?

## НОРЕЗИДЕНТ ВА РЕЗИДЕНТ – ЮРИДИК ШАХСЛАР БЎЛСА

– Интернет тармоғида Ўзбекистон юридик шахсига ЎзР норезиденти бўлган юридик шахс томонидан кўрсатилган реклама оид хизматлар электрон шаклдаги хизматлар ҳисобланади (СК 282-м. 1-қ. 3-б.). Хизматларнинг харидори Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади (СК 241-м. 1, 2-қ.).

Чет эл юридик шахслари реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатган тақдирда, бундай хизматларнинг харидорлари солиқ агентлари деб эътироф этилади (СК 255-м. 4-қ.). Бундай хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахслари ҚҚС тўловчилар ҳисобланади (СК 237-м. 1-қ. 3-б.).

Норезидент юридик шахс томонидан электрон хизматлар кўрсатилганда ушбу хизматлар харидори

бўлган Ўзбекистон юридик шахси норезидентдан ҚҚСни ҳисоблаши, ушлаб қолиши ва бюджетга ўтказиши шарт. Шартнома ҚҚСни ҳисобга олманган ҳолда тузилган бўлса, харидор ҚҚСни мустақил тарзда ҳисоблаб чиқариши ва ўз маблағлари ҳисобидан бюджетга ўтказиши шарт (СК 255-м. 6, 7-қ.).

Бинобарин, Қозоғистон резиденти бўлган юридик шахс Ўзбекистон юридик шахсига электрон шаклдаги хизматлар кўрсатганда солиқ тўловчи сифатида ҳисобга туриши шарт эмас.

У Ўзбекистон жисмоний шахсларига электрон шаклдаги хизматларни кўрсатишда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши лозим, сабаби жисмоний шахслар ҚҚС бўйича солиқ агентлари ҳисобланмайди. Мазкур ҳолатда норезидент ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этади ва солиқни бюджетга тўлайди (СК 281-м.).



## ИЖАРА ҲАҚИНИ ТЎЛАШДАН ОЗОД ЭТИШ

Асосий фаолият тури тематик хиёбонлар хизматларини ташкил этиш бўлган умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона давлат томонидан 50 йил муддатга ер участкаси ижарага берилган. Шартномада ер солиғи миқдоридан ижара ҳақи белгиланган. Корхона 3.02.2018 йилдаги ПФ-5326-сон Фармонга мувофиқ тематик хиёбонлар фойдаланишга топширилган кундан эътиборан 3 йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзга эга. Фармонга мувофиқ имтиёزلарни қўллаш мақсадларида ер участкаси учун тўлашиши лозим бўлган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштириладими?

– Асосий фаолият тури тематик хиёбонлар хизматларини ташкил этиш бўлган юридик шахслар тематик хиёбонлар фойдаланишга топширилган кундан эътиборан 3 йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилади (3.02.2018 йилдаги ПФ-5326-сон Фармоннинг 8-банди «а» кичик банди).

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара тўлови ер солиғига тенглаштирилади. Ер

участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинандиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади (СК 424-м. 2-қ.).

Бинобарин, корхона томонидан ПФ-5326-сон Фармон бўйича имтиёз қўлланилади ва тематик хиёбон фойдаланишга топширилган кундан эътиборан 3 йил мобайнида ер участкаси учун ижара ҳақи тўланмайди.



## КАРАНТИН ДАВРИДА ОЛДИНГИ ЙИЛЛАРДА КЎРИЛГАН ЗАРАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МУМКИНМИ?

Карантин даврида фойда солиғи бўйича солиқ базасини камайтириш имконияти тўғрисидаги саволларга молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ жавоб беради.

– Карантин даврида олдинги йилларда кўрилган зарар ҳисобига фойда солиғи бўйича солиқ базасини қисқартириш мумкинми?

– Йўқ, сиз 2020 йил фойдасини олдинги солиқ даврларида кўрилган зарар суммасига фақат йил якунлари бўйича камайтиришингиз мумкин (СК 333-м. 6-қ.). Бунда 2020 йил фойдаси 50%дан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади.

2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни 5 йилдан кўп бўлмаган муддат мобайнида келгусига ўтказиш мумкин (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонун 6-м.). Яъни 2020 йил фойдасини 2015–2019 йилларда кўрилган зарарга 50% доирасида камайтиришингиз мумкин.

Бунинг учун йил якунлари бўйича Фойда солиғи ҳисоб-китобига 7-иловани тўлдириш лозим (АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й., 3-илова).



Зарар – бу чегириладиган харажатларнинг жами даромадан ошиб кетишидир. Чегирилмайдиган харажатлар солиқ солинадиган фойдани камайтирмайди ва келгуси даврлар фойдаси ҳисобига қопланадиган зарарни кўпайтирмайди.

### ТАВСИЯ:

Ҳўжалик юритишнинг мураккаб шароитларида реализация қилиш ҳажмлари насайиб кетганда чегирилмайдиган харажатларни қисқартириш, сабаби кўпинча улар мақсадга мувофиқ бўлмайди ва иқтисодий жиҳатдан оқланмаган ҳисобланади.

– Ўтган йилда зарар кўрилган бўлса, бўнак тўловларини тузатиш мумкинми?

– Ўтган йилда кўрилган зарар, агар сиз IV чорак-

да фойда солиғи бўйича мажбуриятларга эга бўлмаган бўлсангиз, фақат шу йилнинг I чораги бўнак тўловларига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

II–IV чоракларда бўнак тўловлари аввалги чорак якунларидан келиб чиқиб ёки бўнак тўловлари тўғрисида маълумотнома асосида тўланади. Тегишинча, агар карантин даврида сизда фойда қисқарса, бўнак тўловлари ҳам камайди.

### МИСОЛ.

2019 йил якунлари бўйича корхона зарар кўрган.

2019 йил якунлари бўйича:

- корхонанинг жами даромади 5 000 млн сўмдан ошди.

- кўрилган зарар 1 400 млн сўмни ташкил этди.

2020 йил якунлари бўйича солиқ солинадиган фойда 2 000 млн сўмга тенг.

2019 йил учун жами даромад 5 млрд сўмдан ошганлиги боис, 2020 йилда корхона бўнак тўловларини тўлайди.

2020 йил учун фойда солиғи ҳисоб-китобида у солиқ солинадиган фойдани 2019 йилда кўрилган зарар суммасига камайтириши мумкин, бироқ 50%дан кўп эмас:  $2\,000 \times 50\% = 1\,000$  млн сўм.

15% солиқ ставкасида 2020 йил учун фойда солиғи:

$(2\,000 - 1\,000) \times 15\% = 150$  млн сўмни ташкил этади.

Ҳисобланган солиқ суммасидан бўнак тўловларининг ошган қисми фойда солиғи ёки бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиниши мумкин. Ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқ тўловчига тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин (СК 103-м. 3-қ.).

Қопланмаган зарар:  $1\,400 - 1\,000 = 400$  млн сўмни корхона келгуси йиллар фойдаси ҳисобига – 2021–2024 йилларда қоплаши мумкин.

– 2020 йилда зарар кўрилсачи?

– У ҳолда сиз келгуси йиллар фойдасини зарар суммасига камайтиришингиз мумкин.

2021 йилда фойда:

- 2016–2019 йилларда кўрилган зарар ҳисобига 50%дан;

- 2020 йилда кўрилган зарар ҳисобига 60%дан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилиши мумкин;

Жами камайтириш 60%дан ошмаслиги керак.



## НОРЕЗИДЕНТГА РОЯЛТИ ТЎЛАШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ



Корхона Россия компаниясидан дастурий маҳсулот (ЭХМ учун дастурларга номуллақ ҳуқуқ) сотиб олган.

Етказиб берувчи дастурий маҳсулот нусхасини почта ёки курьерлик хизмати орқали жўнатади. Йил мобайнида дастурдан фойдаланишга оид техник маслаҳатларни электрон почта орқали олиш назарда тутилмоқда.

Бунда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилганлиги учун тўлов роялти деб эътироф этилади. Роялти тўлашда, шунингдек Россия компаниясининг техник маслаҳатлари учун ҳақ тўлашда харидор норезидентлардан олинган даромад солиғи бўйича солиқ агентига айланади. Солиқ агенти даромадларни тўлаш солиқни ушлаб қолиши лозим (СК 351-м. 1-қ., 2-қ., 4-б., 2-қ., 17-б.). Ушбу даромадларга 20%лик ставка бўйича норезидентлардан олинган даромад солиғи солинади (СК 353-м. 6-б.).

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Даромадларга ва мол-мулкка иккиёклама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисидаги битим (Москва, 2.03.1994 й., ОКнинг 6.05.1994 йилдаги 1075-ХП-сон қарори билан ратификация қилинган) мавжуд. Битимга мувофиқ:

- РФ резидентига тўланадиган роялтига РФда солиқ солинади (12-м.);

- РФ резидентининг электрон почта орқали техник маслаҳатлар кўрсатишдан олинган даромади РФда солиқ солинади (21-м.).

Бунинг учун Россия компанияси жорий йилда даромад тўланадиган санадан кечиктирмай РФ резидентлик сертификатини тақдим этиши лозим ва корхонангиз унинг даромадларидан солиқни ушлаб қолмайди (СК 357-м. 1–3-қ.).

Солиқ агенти норезидентга роялти кўринишидаги даромадларни тўлашда, норезидент ушбу даромадларни олиш ҳуқуқига эгаллиги шартли билан халқаро шартномаларда назарда тутилган солиқ солишдан озод этиш тарзидаги имтиёзни қўллашди. Солиқ агенти норезидентдан тегишли даромадни олиш ҳуқуқи эгаллиги тасдиғини сўрашга ҳақлидир.

Электрон почта орқали дастурдан фойдаланишга оид пулли техник маслаҳатлар олишда ҚҚС бўйича худди шундай солиқ оқибатлари юзага келади, сабаби корхонангиз ушбу хизматлар харидори ҳисобланади ва Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган (СК 241-м. 1, 2-қ.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



### ЭЪЛОН

## «ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни [pota.uz](http://pota.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскасида топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал [pota.uz](http://pota.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишида жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



## ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ САБАБЛИ МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛМАГАНДА

Контрагентимиз шартнома бўйича маҳсулотни етказиб бериш муддатларини бузмокда, биз эса навбатида бошқа шартнома бўйича ўз мажбуриятларимизни бажара олмаямиз. Биз қандай йўл тутайлик? Бу вазиятда биз неустойка тўлашга мажбуримизми? «Икки ўлгасида»ги бундай мураккаб ҳолатдан қандай қилиб кам йўқотишлар билан чиқиш мумкинлигини юридик масалалар бўйича «Норма» эксперти Олег ЗАМАНОВ гапириб бери:

– Бундай вазиятлар амалиётда юзага келиб туради. Кўпинча уларнинг ривожланиши ва пировард натижаси тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартларига боғлиқ. Қолаверса, контрагентларингиз қандай хатти-ҳаракатлар йўлини тутганлиги аҳамиятга эга:

- кредиторингиз сизнинг ҳолатингизни тушунишга тайёрми ёки «принципга бориш» ниятидами;

- дебитор яқин истиқболда аниқ санасини айтган ҳолда ўз мажбуриятларини бажаришга қодирми ёки йўқ.

Қоидага кўра, юқорида кўрсатилган омилларни инобатга олган ҳолда саъй-ҳаракат қилиб, тарафлар куйидаги ечимлардан бирига келади.

### 1-ЕЧИМ. Иккала шартномада ҳам мажбуриятларни бажариш муддатларини узайтириш

Контрагент билан қўшимча келишувни расмийлаштирган ҳолда, ўз позициянгни мустаҳкамлаб. Хусусан, дебитор билан:

а) агар шартномада дастлаб қонуний неустойка назарда тутилган бўлса – уни қўпайтириш. Бундай имконият қонун ҳужжатларида назарда тутилган (ФК 263-м. 2-қ.; «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун 24-м. 4-қ., 25-м.);

б) контрагентингиз мажбуриятларини таъминлашнинг қўшимча имкониятларини кўриб чиқинг (ФК 263-м. 22-боб). Масалан – унга тегишли ликвид мол-мулкни гаровга қўйиш (ФК 263-м. 22-боб 2-§; «Гаров тўғрисида»ги Қонун). – Ёки – уни контрагент-кредиторингиз олдидаги сизнинг мажбуриятларингиз бўйича қафил бўлишига кўндиринг. Қафил кредитор олдида қарздор билан беравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди (ФК 293-м. 2-қ.).

в) контрагент ўз шартнома мажбуриятларини бузган ҳолатда сизда ҳосил бўлган зарар неустойкадан ташқари тўла ҳажмда ундириб олиниши мумкинлигини келишиб олинг. Ўзгача ҳолатда зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади (ФК 325-м.).

Ўз навбатида, контрагент-кредитор билан ўзаро муносабатларда юқорида баён этилган шартларга тескари шартлар сиз учун қулай бўлади: неустойка – қонуний ёки пастрок, зарарлар тўғрисида келишув – ёки мавжуд эмас (демак, миқдори чекланган) ёхуд зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланиши тўғридан-тўғри кўрсатилиши.

Шунингдек, кредитор билан шартномада низоларни кўриб чиқишнинг талабнома тартиби назарда тутилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Талабномага жавоб қайтариш қонунда назарда тутилган 15 кундан кам бўлмагани маъқул («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун 18-м. 1-қ.). Вақт бўйича захира сизга контрагент-дебитордан ундириш жараёнини амалга ошириш имкони беради.

Амалиётда айни бир кунда дебитордан товарни олиб, уни шу кунгича кредиторга етказиб беришнинг имкони бўлмайди. Иккинчи шартнома бў-

йича муддатларни узайтирган ҳолда дебитор билан келишувда шарглашилган саналарни ва сизга товарларни қайта ишлаш, қадоклаш (зарураг бўлганда) ва уларни харидорга етказиб бериш учун талаб қилинадиган вақтни инобатга олинг.

### 2-ЕЧИМ. Дебитор билан шартномани бекор қилиш, бошқа етказиб берувчини топиш

Кредитор мажбуриятларингизни муайян вақтга кечиктиришга тайёр бўлса, лекин дебитор муддатда бажаришга улгура олмаса ёки аниқ жавоб бермаса ёхуд мурожаатингизни эътиборга олмаса, у билан шартномани бекор қилишингиз мумкин. Келишув шартларини ўрганинг:

- агар шартномада сотувчи (етказиб берувчи) томонидан ўз мажбуриятлари бузилган тақдирда харидорнинг уни кейинчалик бажаришдан бир тарафлама бош тортиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса – контрагентга тегишли хабарнома йўланг (ОХСПнинг 18.12.2009 йилдаги 203-сон қарори 25-б. 3-хатбоиши);

- агар шартномада бир тарафлама бош тортиш ёзилмаган бўлса, шартномани бекор қилиш тўғрисида келишувни расмийлаштириш. Унда етказиб берувчи томонидан илгари сиздан шартнома бўйича олинган маблағларни қайтариш муддатини кўрсатинг.

Етказиб берувчи шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишувни имзолашдан бош тортса ёки тўловни унда кўрсатилган муддатда қайтармаса, судга мурожаат қилинг. Ҳар қандай ҳолатда сиз ундан неустойкани ва зарарларни, шу жумладан сизнинг бошқа етказиб берувчидан оширилган нархларда товарлар харид қилишга харажатларингизни ўз ичига оладиган зарарни ундиришга ҳақлисиз.

Контрагент-кредитор билан етказиб бериш муддатини узайтиришингиз ёки мажбуриятни янгилашга воситачилик хизматлари мумкин. Мажбуриятни янгилаш – бу тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни айнан шу шахслар томонидан бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи бошқа мажбурият билан алмаштириш (ФК 347-м.). Ўзаро муносабатлар хусусиятига кўра, сизга воситачилик яқинроқ. Воситачилик шартномасининг ижобий томонлари:

- у амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилиши мумкин (ФК 832-м. 3-қ.);

- умумий қоидага кўра, комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмайди (ФК 834-м. 4-қ.).

Бироқ солиқ солиш хусусиятини эътиборга олинг. Хусусан, воситачилик шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатишда алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш билан (СК 468-м.) 25% ставка бўйича айланмадан олиннадиган солиқ тўланади (СК 467-м. 5-б.). Шу боис, воситачилик шартномасини расмийлаштирган ҳолда унда воситачилик ҳақини ажратинг (ФК 833-м.). Бу сизнинг солиқ базангиз бўлади.

Бошқа етказиб берувчини топиш имкони бўлмаса, контрагент-кредитор билан ҳам шартномани бекор қилишга тўғри келади. Қуйидаги алгоритмга риоя қилинг:

- агар етказиб беришнинг дастлабки муддати узайтирилган бўлса – янги, узайтирилган муддат

тугаунга қадар шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиқинг;

- агар мажбуриятни янгилашни қўллаган бўлсангиз ва воситачилик шартномасини унинг амал қилиш муддатини кўрсатмаган ҳолда расмийлаштирган бўлсангиз – комитентга шартнома бекор қилиниши тўғрисида камида 30 кун олдин хабар бериш, агар хабар қилишнинг узокроқ муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса (ФК 844-м. 1-қ.).

Шу тарзда сиз неустойка тўлашни олдини оласиз, бироқ кредитор кўрган зарарини, хусусан – бой берилган фойдани сиздан ундириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

### 3-ЕЧИМ. Суд жараёни

Шунга ўхшаш вазиятларда суд муҳокамалари, қоидага кўра, домино принципи бўйича ишлайди: кредитор сизни судга беради, сиз – дебиторни судга берасиз. Иккала ҳолатда одатда шартномани унинг шартлари бошқа тараф томонидан жиддий бузилганлиги сабабли бекор қилиш ва қуйидагиларни ундириш тўғрисида талаблар баён этилади:

а) контрагентга товарларга ҳақ тўлаш ҳисобида ўтказилган маблағлар суммасини;

б) шартнома шартлари бўйича ёки «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси асосида ҳисобланган неустойкалар.



Қарздорнинг контрагенти томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги форс-мажор ҳисобланмайди ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун уни жавобгарликдан озод этмайди (ФК 333-м. 3-қ.).

Бунда:

- агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли (ОХСПнинг 15.06.2007 йилдаги 163-сон қарори 3-б.).

- қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкый аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниб, суд неустойкани камайтиришга ҳақли (ФК 326-м.). Бироқ неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизлардан кам бўлиши мумкин эмас.

в) зарарларни, яъни харажатларни:

- тараф шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан кўрган зарарни (харажат);

- ҳуқуқи бузилган шахсининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларини (масалан, суд чиқимлари ва х.к.).

Бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори асосланганлиги ҳисоб-китоб ёки бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши керак (ОХСПнинг 163-сон қарори 19-б. 1-хатбоиши).

Зарар суммасига тарафнинг бой берилган фойдаси – ўз ҳуқуқлари бузилмаганида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари ҳам киритилади (ФК 14-м. 2-қ.). Унинг миқдори агар мажбурият бажарилганида, кредитор қилиши лозим бўлган «оқилон» харажатларини ҳисобга олиб аниқланиши шарт (ОХСПнинг 163-сон қарори 19-б. 2-хатбоиши).



## БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ СОДДАЛАШАДИ, ЖАДАЛЛАШАДИ, КОНТРАБАНДАГА ҚАРШИ КУРАШ – КУЧАЯДИ

**1-бетда** давлатлар божхона хизматлари билан ўзаро манфаатли хамкорликни янада ривожлантириш.

Хужжатда уч босқичда жорий этиладиган янгилликлар назарда тутилган:

а) 2020 йил 1 августдан т/й транспорт ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимларини божхона органларининг ахборот тизимларига интеграциялаш орқали божхона назорати остидаги вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидаги ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни божхона органларига реал вақт режимида бегараз тарзда тақдим этилади;

б) 2020 йил 1 сентябрдан «Ягона дарча» божхона ахборот тизими чегара божхона постларида жорий этилади;

в) 2020 йил 1 ноябрдан:

- БЮДни расмийлаштириш вақти хавф даражасидан келиб чиқиб, 3 суткадан 1 кунгача қисқартирилади;

- божхона назоратининг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш орқали товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш ҳолатлари қисқартирилади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

- ДБКнинг хавфларни бошқариш тизими автомобиль чегара божхона постларида жорий этилади;

- транспорт воситаларини вақтинчалик олиб киришда ташувчи реал вақт режимида электрон шаклда қайта олиб чиқиш муддати туғашидан олдин вақтинчалик олиб

кириш муддатини узайтириши ва тегишли йиғимни тўлашни амалга ошириши мумкин;

- «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш ва баҳолаш услубияти тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан ишлаб чиқилади.

ДБКга қўшимча вазифалар юкланди ва янги ваколатлар берилди:

- товар ва транспорт воситалари устидан улар сақланадиган ва сотиладиган жойларга чиққан ҳолда, божхона аудитини амалга ошириш;

- олиб кириладиган ва (ёки) олиб чиқиладиган товарлар ва транспорт воситалари ҳисоби, жумладан, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи хужжатлари, шунингдек, дастлабки хужжатлар юритилиши устидан теширувни амалга ошириш.

Қўмита тузилмасида ўзгаришлар рўй берди. Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси этиб, Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармаси эса Ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси бошқармаси этиб қайта ташкил этилди. Ушбу бўлинмалар олдида қўшимча вазифалар кўйилди.

Олег ЗАМАНОВ.  
«Norma» МЧЖ эксперти.



✓ ДАВР НАФАСИ

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган барча имтиёз ва енгилликлар уларнинг фаолият кўрсатиши жадал суръатларда ривожланишига имкон яратмоқда.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СУРЪАТЛАРИ СУСАЙМАГАН

Сирдарёда пандемия шароитида ўз фаолиятини бир зумга ҳам тўхтатмаган корхонлар талайгина. Полипропилен грануласи хом ашёсидан қадоқлаш маҳсулотлари (озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари учун қошлар) ишлаб чиқарадиган Сирдарё туманидаги «Sirdaryo Mega Lux» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси ана шундай хўжаликлардан ҳисобланади.

Карантин қондаларига тўлиқ амал қилган ҳолда қарийб 1 000 нафар ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада бир кунда ўртacha 580 минг дона қадоқлаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

– Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар бошқа ишлаб чиқариш корхоналари қатори биз учун ҳам қатга имкониятлар эшигини очди, – дейди қўшма корхона раҳбари Муҳиддин Норматов. – Натижада ўтган йили 2,4 млн АҚШ долларига тенг ва 2020 йилнинг июнь ҳолатига кўра корхонамизда ишлаб чиқарилган 1,6 млн АҚШ доллари миқдоридидаги тайёр маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Арманистон каби давлатларга экспорт қилинди, корхонамиз ўтган давр мобайнида 43,14 млрд сўмлик божхона имтиёзларидан фойдаланган.

Корхонада замонавий ахборот тизимлари маҳсули бўлган электрон ҳисобварақ-фактура дастуридан фойдаланиб келинаётган бўлиб, 2019 йилда 114 млрд сўмлик жами 1 214 та ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган. Бунинг натижаси ўларoқ бухгалтерларнинг вақти тежалган, қолаверса ортикча қўғозбозликларга барҳам берилган.

Корхона ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобидан ишчиларга барча қулай шароитлар яратилган. Хусусан, 500 ўринга мўлжалланган ошхона, ишчиларни ташиш учун 6 та автобус ажратилган, ишчилар доимий равишда махсус кийим-бош билан таъминланган.

Тўғри, дастлабки пайтда карантин даврида корхона фаолиятида ишчи-ҳодимларни ташиш, тайёр маҳсулотни харидорларнинг ўз транспортида олиб кетишда баъзи муаммолар пайдо бўлган эди. Лекин Президентимиз томонидан 2020 йилнинг март–май ойлари давомида коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича қабул қилинган бир неча фармонлари ҳамда карантин бўйича чекловларни босқичма-босқич юмшатишга доир кўрсатмалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини янада жонлантирди.

Сирдарё вилояти божхона ва солиқ бошқармалари Матбуот хизматлари.

## ҚўШИМЧА БОЖХОНА ТўЛОВЛАРИ УНДИРИЛДИ

✓ КўНГИЛ ОЗОРДАДИР


Мамлакатимизда ТИФ иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида божхона соҳасида қатор имтиёз ва қулайликлар яратиб берилмоқда.

Бироқ ана шу имкониятларни суистеъмол қилиб, давлат бюджетига божхона тўловларини белгиланган тартибда тушириш ўрнига уларни камайтириб кўрсатиш ҳоллари учраб туради. Самарқанд вилоятида фаолият юритувчи МЧЖлардан бирининг божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси Н.С. корхона номига хориждан келтирилган «Запасные части к ткацким станкам» товарини «Эркин муомаллага чиқариш» (ИМ-40) божхона режимида расмийлаштириш учун БЮДни «Самарқанд» ТИФ божхона постига тақдим этди.

Божхона расмийлаштируви учун тақдим этилган хужжатлар ўрганилганда БЮДда кўрсатилган товар учун Президентнинг 2017 йил 7 сентябрдаги Ф-5048-сон фармойиши асосида қўшилган қиймат солиғидан нотўғри имтиёз берилганлиги маълум бўлди. Натижада жами 14 млн сўмга яқин қўшимча божхона тўловлари қайта ҳисобланиб, давлат бюджетига ундириб олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан бошлаб юборилган суриштирув ишларида тадбиркорнинг қанчалик «самимий»лиги аниқланмоқда.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



<p><b>СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиби рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</b></p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир Уринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини etkazib бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоҳ. Баҳоси келишилган нарҳда. Бюролма т-615. Адади 645. Газета 2020 йил 8 июнь соат 15.00 да топширилди.</p>
---	---	---	--